O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 21-iyul • № 29 (3858)

ҲОСИЛ ФАСЛИ

Мамлакатимиз ғаллакорлари катта меҳнат зафарига эришдилар. Миришкор деҳқонлар, фермер хўжаликлари далаларида етиштирилган ҳосил шу кунгача 6 миллион 100 минг тоннадан ошиб кетди. Президентимиз Ислом Каримов шу муносабат билан ғаллакорларни самимий муборакбод этди. Унда, жумладан шундай дейилади: «Бизнинг неча ўн йиллар давомида орзу ва ҳавас қилиб келган ғалла мустақиллигига эришганимизни кейинги етти-саккиз йил мобайнида амалда тасдиқлаб келаётганимизни, бундай улкан ютуқнинг аҳамияти ва моҳиятини ғалла деган, нон деган бебаҳо неъматдан баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон, шу юртда яшайдиган ҳар қайси оила сўзсиз чуқур англайди ва юксак баҳолайди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ ғаллачиликни кескин ривожлантиришга алоҳида эътибор берилгани, бунинг учун қишлоқ хўжалигида тегишли чора-тадбирлар белгилангани натижасида ҳосилдорлик тўқсонинчи йиллар бошларига нисбатан 4,5 баробар ошди. Бунда кундан-кунга ривож топаётган фермерлик ҳаракатининг давлат томонидан бутун чоралар билан қўллаб-қувватланиши, дон етиштирувчи хўжаликларга тегишли техника воситаларининг етказиб берилиши, ғаллакорларнинг маълум имтиёзларга эга бўлиши асосий восита бўлди.

Бугун омборларимиз мўл ҳосилга тўлиб, дастурхонимиз тўкин бўлиб турган бир пайтда эслаб ўтиш жоизки, мустақилликдан аввал мамлакатимизда йилига бор-йўғи салкам бир миллион тонна ғалла етиштирилар эди, ички эҳтиёж учун зарур бўлган 3 миллион тонна дон эса асосан чет элдан, миллий бойлигимиз — пахтани сотишдан келадиган валюта ҳисобига харид қилинарди. Шундай бир шароитда ғалла эҳтиёжини ички имкониятлар ҳисобига қондириш режаси ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган. Баъзи иқтисодчи олимлар, хорижий давлатларнинг вакиллари «Ўзбекистоннинг ўзида шунча ғалла етиштириш шартми? Ундан кўра кўпроқ пахта етиштириб, толани экспорт қилиш ҳисобига ғаллани арзон нархларда четдан сотиб олган маъқул эмасми? Ахир, пахта етиштиришнинг иқтисодий самараси юқори-ку», дея эътироз билдиришганлиги ҳам сир эмас. Аммо мамлакат раҳбариятининг ташаббуси билан қилинган аниқ ҳисоб-китоб, пахта яккаҳокимлиги асоратларини тугатиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар, ғаллакор деҳқонлар, олим ва мутахассислар, селекциячиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли қисқа фурсат ичида бу улуғ ва мураккаб мақсадга эришилди. Президент Ислом Каримов «Токи ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик тўғрисида гапириш ортиқча" деганида минг бор ҳақ эди. Шундай бўлди ҳам.

Ғалла омборларининг тўлиб-тошиши кўнгилни ҳадсиз қувончларга тўлдиради. Бу соҳадаги ютуқ халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Халқ тили билан айтганда, уйида ғалласи бор одамнинг сўзи бутун, бели бақувват бўлади.

Бугун юртимизда пишиқчилик фасли. Ғалла майдонларидан, боғ-роғлардан, полиз майдонларидан мўл ҳосил йиғиштирилмоқда. Ҳадемай пахтазорларимиз оққа бурканади. Боғбону деҳқон, чорвадору олим, механизаторларнинг машаққатли меҳнатлари, изланишлари ўз самарасини беради. Бундай тароватли кунлар, халқимизнинг ризқ-насибаси ҳаммамизга қутлуғ бўлсин.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЎЗБЕК НОНИ

Қайси бир замонда, қайси бир Султон
Топибди ақчани, топибди шонни.
Ва лекин дуч келиб тақдир беомон,
У орзу қилибди бир бурда нонни.

Бир улуғ аллома фикрин айлаб жам,
Сўзимни маталга йўйманглар, дебди.
Токчага бўй чўзсанг, Қуръон турса ҳам,
Нонга сира оёқ қўйманглар, дебди.

Нон ва Ўзбекистон уйқашдир азал,
Бу юртга не эллар нон деб келганлар.
Саргашта қушлар ҳам доим, ғалма-ғал
Бу юртдан ризқини териб еганлар.

Юртим, буюклигинг билди кенг жаҳон,
Тўлди омборларинг ўз донинг билан.
Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,
Меҳнатдан яралган шу нонинг билан.

Сени ушбу кунда қутлайман, юртим,
Ризқингни бут қилди олтин хирмоним.
Ҳар иссиқ нонингни қуёшдай кўрдим,
Дунёга нон берган Ўзбекистоним.

3

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

БОЗОР АДАБИЁТИ

истеъдодни сўндиради

Адабиётда ҳамиша янги сўз, янги овозга эҳтиёж бўлади. Бусиз адабиёт ривождан тўхтайди. Бир жойда туриб қолади ва ўзини-ўзи такрорлай бошлайди. Бу майдонга йўл ёш истеъдодлар учун ҳамиша очиқ бўлиши керак. Ҳаётни ижодкор кўзи ва диди билан кузатишга, бадиий идрок этишга қодир истеъдодлар қанча кўпайса, адабиёт шунча гуллаб-яшнайди, халққа манзур асарлар юзага келади.

Албатта, ёш қаламкашлар бирданига қанот ёзиб, парвоз қила олмасликлари мумкин. Улар ҳали ўз сўзлари, ўз овозларини, йўл ва ирмоқларини топишлари керак. Сўз масъулиятини ҳис этишда тажриба орттиришлари, бадиий тафаккур борасида устоз адиблар яратиб кетган маҳорат мактабларида сабоқ олишлари, уларга эргашишлари лозим бўлади...

Ёш ижодкорларнинг Зомин туманидаги сўлим "Ўриклисой" ором-гоҳида бу йил ўнинчи бор ўтказилган семинар-кенгашда қатнашар эканман, кўнглимдан шундай мулоҳаза ўтди.

Бугун адабиётимизга ижодкор ёшлар шитоб билан кириб келишмоқда. Уларнинг машқларидан бугунги кунимизнинг шиддатли нафасини сезиш мумкин — фикрлар, эътирофу эътирозлар, баҳолар, қиёслар ва ҳатто, муҳаббат изҳорлари ҳам бирмунча тортинчоқлик, камсуқумлик билан эмас, дангал, очиқчасига айтилади. Улар ҳаётий воқеа-ҳодисаларни, юракларига яқин туйғуларни бор бўй-басти билан, бутамай-тарамай тасвирлашга, янги ғап айтишга ва ижод бўстонида ўзларини тезроқ намоён этишга шошиладилар. Гоҳо ҳаяжон босиб, меъёр қирғоқларидан ошиб кетишади. Аммо ниятлари тоза ва пок. Ёшлик эҳтироси, ғайрати улар қалбини эзгу туйғулар билан тўлдирган. Шу маънода ўз йўллари, ўз сўқмоқларидан юриб, ўз сўзларини айтишга интилаётган, ҳароратли мисралари баъзи устозларникидан мутлақо қолишмайдиган ёшлар ҳам бор. Кўплари ҳозирнинг ўзидаёқ камида битта-иккитадан китоб чиқазишга улгуришган ҳам.

Муҳаррир минбари

Бир қарашда ҳаммаси жойида, кўнгилдагидек. Бу ёшда ҳеч ким бирданига Қаҳҳор ёки Ойбек бўлиб қолмаган. Янглишишлар бор, бўлади ҳам. Аммо мени шеър ва ҳикояларнинг мавзулари қизиқтиради. Шу мавзулар орқали ёш қаламкашларнинг кўнглини, дилини, дунёқарашини, уларни безовта қилаётган муаммоларни англамоқчи бўламан. Уларнинг қораламаларида бугунги куннинг воқелиги, мазмун-моҳияти, мураккабликлари, Ватан туйғуси, миллий қадриятлар акс этганми? Ёш ижодкорларимизни бугун нималар кўпроқ қизиқтиради, кўнгилларида не гаплар бор?

Машқларга айни шу жиҳатдан кўз ташлайдиган бўлсак, кўнгилни хотиржам қиладиган шеър, ҳикоя, қисса ва драмаларга, жаҳон адабиёти намуналаридан, қардош адабиётлардан қилинган таржималарга ҳам дуч келамиз. Миллий адабиётимиз дарёсига муносиб ирмоқ бўлиб қўшиладиган овозлар бор. Уларни Зоминда, Элликқалъада, яқиндан бери Наманган вилоятининг тоғли Поромон қишлоғида ўтаётган маҳорат танловларида учратиб турибмиз.

Лекин кўпчилик ҳаваскорларнинг машқларида бир қарашда у қадар кўзга ташланмайдиган, шеър ёки ҳикоя алоҳида-алоҳида ўқилганда ҳатто сезилмайдиган ҳам қусурлар борки, улар тўғрисида жиддий мулоҳаза юритишга тўғри келади. Бу қусурлар, аввало, бугун адабиётимизда анча кенг тарқалган тақлид, кўр-кўрона эргашиш, ифода усулларидаги бир хиллик билан боғлиқ. Ёш қаламкашлар ўзлари севиб ўқийдиган шоир ёки адиб ижодига, унинг услуби ва ҳатто шеър ўқишигача, билиб-билмай, тақлид қиладилар. Бу йўл, охир-оқибат, ҳар қандай истеъдодни сўндиради, бу йўлни танлаганлар, бора-бора қиммнингдир соясида қолиб кетади.

Иккинчи жиддий бир қусур шуки, кўпчилик қаламкашлар бугун "сариқ матбуот" саҳифаларида гуррас-гуррас, пешма-пеш эълон қилинаётган ўртамиёна машқларни шеър, ҳикоя ва қисса деб, адабиёт деганлари шу экан-да, дея улардан андоза олиб ижод қилмоқдалар. Ёш носирларимизнинг машқларида тўқима сюжетлар, сохта тасвирлар, ҳаётда ҳали ўзлари дуч келмаган, бошдан кечирмаган воқеа-ҳодисаларни ипидан-игнасигача тасвирлаш, йиғлоқилик, ҳаётдан совиш ва бошқаларга ҳам шу туйғуни сингдириш ҳисси шу қадар кучлики, ҳайратдан ёқа ушлагинг келади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўрта мактаб ёхуд коллеж ўқувчиси бахтсиз севги, никоҳсиз туғилган бола, тўлғоқ азоби, хиёнат устида қўлга тушган келинчак, ўз уйида қўшмачилик қилаётган беҳаё аёл ҳақида ёза бошласа, хиёнат онларини батафсил тасвирласа, бепуштлик сабабларини қидириб кетса, буни қандай тушуниш мумкин? Мен бу ерда Зоминда ўқиганларимнигина эмас, таҳририятга ҳавола этилаётган машқларни, енгил матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган "асар"ларни, турфа хил тайин-бетайин нашриётларда чоп этилаётган китобларни ҳам кўзда тутаяпман. Бу ҳолатга бефарқ қараб туришимиз мутлақо мумкин эмас.

Демократия шароитида турфа хил нашрларнинг пайдо бўлишини, шубҳасиз, ҳаммамиз табиий ҳол, деб биламиз. Вақт ҳали уларни ўз элагидан ўтказади, бугунги куннинг талабларига дош бера олгани қолади, бошқалари эса иши юришмаган хусусий дўкондай, вақти келиб ўз фаолиятини тўхтатади, ёпилади. Демакки, хавотирга тушмаса ҳам бўлади. Аммо бу хотиржамликнинг хавфли бир томони бор. Бозор матбуотига ҳам янги муаллифлар, янги номлар, "ажойиб-ғаройиб" истеъдодлар керак. Шу боис, улар ҳам ўз "маҳорат мактаблари"ни яратмоқда, ёш қаламкашларни бугун нима урф бўлган бўлса, ёшларни ҳаётдаги қайси ҳолатлар қизиқтираётган бўлса, шулар тўғрисида ҳеч тортинмай, бемалол бозорбоп, харидорбоп қилиб ёзишга ўргатмоқда. Бу "маҳорат"дан сабоқ олиб, бир-икки йил қалам тебратган, ўз йўналишида анча кўриниб қолган "ижодкор"га "Ҳой биродар, бадиий асар дегани бундай ёзилмайди", деб кўринг-чи, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев маҳоратидан гап очинг-чи, уларнинг энг сара асарларини ўқиганмисиз, деб сўранг-чи. Улар эмас, ўзингиз хижолат бўлиб кетасиз. Бундай "ижод" намуналарида миллий ғурур, орият, ҳаё деган тушунчалар бир чеккада қолиб кетади. Улар ўрнини шаҳвоний ҳис-туйғулар эгаллайди.

Шундай экан, катта адабиётимизга кириб келаётган эртанги ўринбосарларимизнинг ижодий тақдирига бефарқ бўлмайлик. Уларни ўз бағримизга олайлик. Шу маънода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қатор вилоятлар ҳокимликлари, «Камолот" ёшлар ҳаракати билан биргаликда ўтказаётган тадбирлари, вилоятларимизда ижод қилаётган бир қатор истеъдодли қаламкашларнинг уюшма аъзолигига қабул қилиниши ва Олий адабиёт курси машғулотларига жалб этилиши ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Аммо бу билангина чегараланиб қолмаслик керак. Ёш қалам соҳиблари билан Жиззах ёки Элликқалъадагина эмас, ҳамма жойда — Андижонда, Қўқонда, Наманганда, Сурхондарё ва Қашқадарёда ҳам доимий равишда мулоқот олиб бориш лозим. Бунда устозлар зиммасига катта масъулият юкланади. Чунки ёшлар устоз кўрмасалар, маҳоратнинг чинакам мактабларини ўтамасалар, Адабиётнинг, Сўзнинг муқаддаслигини, ижодкорнинг жамият олдидаги масъулиятини ҳис этмасалар, эртага бошқалар, бошқа "мактаблар" таъсирида турфа хил мақомларга йўрғалаб кетишлари мумкин.

Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда, журналистика факултетига ўқишга кириш учун ҳужжатларини топширган ёш қизча таҳририятимизга отаси билан бирга кириб келди. Бир даста шеърни қайта-қайта ўқиб, аранг биттасини танладим.

— Майли битта бўлса ҳам чиқсин, — деди ота мамнунлик билан. — Қолганлари, газетага ўтмаса, китобда чиқаверади...

БЕТАКРОР ОҲАНГЛАР

Ижт

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби маданият ва санъат соҳасида ҳам халқаро алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Кўпгина мусиқа, театр, цирк, кино ижодкорлари хорижий мамлакатларда ўтказилаётган турли фестивалларда муносиб иштирок этишмоқда.

Баъзи театр жамоаларимиз репертуарларидаги сара асарлари билан хорижий давлатларда ижодий сафарларда ҳам бўлишмоқда. Бошқа давлатларнинг санъат усталари ҳам юртдошларимизга ўз ижодларини намойиш этмоқдалар.

Таассурот

Н.Загурский номидаги Иркутск мусиқали театрининг Тошкентдаги ижодий сафари байрамона руҳда давом этмоқда. Куни-кеча Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри сахнасида меҳмонлар "Юнона ва Авось" (Л.Рибников асари), "Менинг гўзал маликам" (Ф.Лоу асари) спектакларини ҳамда балет артистларининг концерт дастурини намойиш этдилар.

Биз учун бу театрда бир қанча янгиликлар бор. Аввало, театр оркестри ва унинг бош дирижёри Николай Силвестров фаолияти диққатга сазовор. Ўтган асрнинг бошларида яратилган "Менинг гўзал маликам" асари гўё бугун яратилгандай таассурот туғдирди. Композиторнинг бетакрор мусиқасини эса бугуни одамлар ҳақида яратилган симфоник ҳикоя деб тушуниш мумкин. Айниқса, "Юнона ва Авось" спектакли томошабинларда ҳайрат уйғотди. Асарда нафақат саҳналаштирувчи режиссёрнинг ижодий маҳоратини, балки бастакор, балетмейстер, безакчи-рассомнинг истеъдод ва маҳоратини ҳам яққол кўриш мумкин. Улар биргаликда ягона ғояни очишга интилган. Асарда мусиқа, тасвирий санъат, хореография табиий равишда уйғунлашиб кетган. Балет артистларининг концерт кечасида ижро этилган хилма-хил рақс асарлари томошабинларга илҳом ва завқ бағишлади. Шундай ажойиб томошалари учун пойтахтимиз меҳмонларига самимий миннатдорлигимизни билдирамиз.

Нафиса ЭРКАБОЕВА

ТАНИШ ЧЕҲРАЛАР

Миллий қўшиқ санъатимиз ривожига ҳисса қўшаётган хонанда-созандалар оз эмас. Ҳар бирининг ўз овози, ўз тингловчиси бор. Лекин улар ичида асл дурдоналаримиз — мақомлар, мумтоз куй-қўшиқларимизни маромига етказиб ижро этаётган хонандалар кўпчиликни ташкил этмайди.

Гулбаҳор Эркулова ана шундай озларнинг ичида ўз услуби, ижро йўналиши, овоз товланишлари билан алоҳида ажралиб турувчи санъаткорлар сирасига киради. У 1986 йилдан буён юртимизга машҳур ҳофизларни етиштириб берган, ҳақиқий миллий санъатимизнинг авлоддан-авлодга ўтишида муносиб ҳисса қўшаётган "Мақом" ансамблида ишлаб келади. Гулбаҳор қўшиқчиликни умрининг мазмуни деб билади, саёзликни, юзакликни хуш кўрмайди. Чин истеъдод ва юксак маҳорат сари етакловчи профессионализм унинг ижод шиоридир.

Шундай бўлиши ҳам табиий. Зеро, мақом ашулаларидан "Насруллойи"ни ўн бир, "Хоразм сегоҳи"ни тўққиз, мўғулчаларни ўн икки дақиқадан ижро этишни ҳар ким ҳам уддалай олмайди. Бундай ижролар юқори пардалардаги овозни, куй ва матнни чуқур ҳис этишни, ўткир нафасни, демакки, юксак профессионализмни талаб этади. "Бу борада аёл хонандалар ичида мен тожикистонлик Барно Исҳоқовага ва ўзимизнинг Берта Давидовага ҳавас қиламан, — дейди Гулбаҳор. — Улардан ҳар қанча ўргансак арзийди".

Тенгдошлари, ҳамкасблари ичида Насиба Сатторованинг ижро услубидан, овоз имкониятларидан завқланади. "Айтишув"нинг ҳар икки хонанда иштирокидаги дастурини томоша қилганлар санъаткорнинг бу сўзлари бежиз эмаслигини тушунадилар. Шу кунга қадар 200 дан ортиқ мақом ва мумтоз ашулалари радио хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Бундан ташқари, ўзбек бастакорлари билан ҳамкорликда замонавий мавзуда ҳам кўплаб қўшиқлар яратди.

Айни кунларда эса республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб "Дармон бўлайлик" (Нормурод Нарзуллаев шеъри) номли қўшиғи устидаги ишларини ниҳоясига етказди. Бастакор Анор Назаров мусиқа басталаган бу қўшиқ матнида ҳар биримизнинг юрагимизга ҳамоҳанг сатрлар бор:

Шу элнинг дардига дармон бўлайлик,
Адолат йўлида виждон бўлайлик,
Юртин суймаганга армон бўлайлик,
Бу дунё кўксида имон бўлайлик.

Шифокорлар ва ҳомийлар диққатига!

ОНА МАКТУБИ

Ҳурматли таҳририят!

Бундан саккиз йил муқаддам тўрт яшар ўғлим Нодирбек кўчада ўйнаб юрганида қўшниларимиздан бирининг боласи ўйинчоқ автоматдан ўқ узиб, фарзандимнинг ўнг кўзини ёриб қўйди. Тўрт соатлик жарроҳлик муолажасидан сўнг шифохонада бир ой даволанди. Шу-шу ўнг кўзи кўрмай қолди.

Болам саккиз яшарлигида қариндошларнинг моддий кўмагида Тошкентдаги Тиббиёт-педиатрия институтида ҳам даволатдик. Ногирон кўз гавҳари ўрнига сунъийсини қўйишди. Бироқ натижа бўлмади...

Биз оиламиз бошига тушган бу кўргуликдан кўп азият чекдик ва чекмоқдамиз. Боламнинг ана шу дарди сабаб ўзим ҳам қон босими касалини орттирдим. Қиммат дори-дармонларни олишга қийналамиз. Бироқ ўғлимнинг кўзи жароҳатланишига сабабчи бўлган оила заррача ёрдам ҳам берган эмас, кўнгил ҳам сўраган эмас. Мен ҳозир улардан шикоят қилмоқчи эмасман. Нима бўлган бўлса — бўлиб ўтди. Ўғлим ногирон бўлиб қолди. У ҳозир мактабда аъло баҳолар билан ўқимоқда. Зеҳни жуда ўткир. Келажакда эл-юртимизга нафи тегадиган яхши мутахассис бўлиб етишса ажаб эмас. Шифокорлар унинг кўзи хорижда даволатилса тузалиб кетиши мумкин, дейишмоқда.

Индамай кўл қовуштириб ўтиришга юрагим чидамайди. Даволата олмасам, келажакда боламнинг олдида юзим шувут бўлиб қолишидан виждоним азоб чекмоқда. Ўғлимни хорижга олиб бориб даволатишга эса қўлимиз қисқалик қилади. Қайси тиббиёт муассасасига борсам: "Ҳомий топиб болангизни хорижда даволатинг", дейди. Мен эса минг ёққа бошимни урсам ҳам ҳеч жойдан ёрдам ололмаяпман. Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлигига қилган барча мурожаатларим натижасиз бўлиб чиқди ва охир-оқибат Сизларга мактуб ёзишга мажбур бўлдим.

Ҳурматли таҳририят! Бу йил шифокорлар ва ҳомийлар йили. Шуни ўйлаб ўғлимнинг кўзи соғайишига беминнат ёрдам беруvчилар топилар, деган умидда Сизларга мурожаат қилмоқдаман. Болам соғайиб кетиши учун нима қилишим, қаерга ва кимга мурожаат қилишим керак. Кимга арзимни айтсам бу борада биздан ўз ёрдамини аямайди? Бизнинг арзимизни ким тинглайди? Сизларнинг амалий ёрдамларингизга кўз тикиб,

Умид билан Тошкент шаҳар Юнусобод даҳасидаги

9-мавзе, 7-уй, 19-хонадонда яшовчи уй бекаси

Насиба МУСАЕВА

ТАҲРИРИЯТДАН:

Насиба Мусаева ўғли Нодирбек Мусаев билан таҳририятимизга келиб, аризада баён этилган дардларини кўзда ёш билан сўзлаб берди. Унинг арзларини тинглаб ва мушоҳада этиб, дастлаб Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан телефон орқали боғландик. Насиба Мусаевани қабул қилган вазир ёрдамчиси уни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассиси Абдували Набиев ҳузурига йўллагани маълум бўлди. Ўн икки ёшли Нодирбек Мусаевнинг ногирон кўзини махсус текширувдан ўтказган ва беморни шу чоққача даволаган тиббий муассасаларнинг ҳужжатлари билан обдон танишиб чиққан вазирлик бош офталмологи А. Набиев томонидан берилган хулосада: "Бу касалликни Россиянинг Москва шаҳридаги "Кўз микрохирургияси" илмий-тадқиқот марказига бориб даволашни тавсия этаман", дейилган.

Аввало, вазир ёрдамчисига ҳам, бош офталмолог шифокоримиз Абдували Набиев жаноблариga ҳам Нодирбек Мусаевнинг ногирон кўзини текшириб, унга хорижда даволаниш учун тезкорлик билан тегишли ҳужжат тайёрлаб берганлари учун миннатдорлик билдириш зарур. Бироқ шу йўлланманинг ўзи билангина иш битмаслиги ҳаммага аён. Вазирликнинг ёрдами фақат шу билан ниҳоя топмаслиги керак.

Болаларнинг ўзаро ўйинидан ўт чиқиб, соппа-соғ кўзи ногирон бўлиб қолган ўғли туфайли азият чекаётган онага ёрдам қўлини чўзмоқ ҳукумат идораларининг ҳам, тегишли жамғармалар ва беминнат хайрия ёрдами кўрсатиш имконига эга бўлган саховатли ҳомийларимизнинг ҳам инсонпарварлик бурчидир. Биз Насиба Мусаеванинг мактубини эълон қилаётиб, унинг илтимосини Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон "Соғлом авлод учун" меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли муассасалар ҳамда муайян даражада моддий ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлган турли ҳомий ташкилотлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Кўзи ногиронлигига қарамай, мактабда нуқул аъло баҳоларга ўқиб, ўзининг зукколиги ва зийраклигини амалда намоён этаётган ва бу билан келажагига катта умид уйғотаётган Нодирбек сингари фарзандларимизнинг соғайиб кетиши учун жон қуйдириш ҳар бир соф виждонли ватандошимизнинг фуқаролик бурчи, деб ўйлаймиз. Хўш, унинг хорижда даволаниши учун амалий ёрдам бера оладиган ташкилотлар, бу борада муайян хайрия ёрдами кўрсатиш имконига эга бўлган ҳомийларимиз борми?

Ўйлаймизки, бундай саховатпеша инсонлар ҳамиша топилади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05; Faks: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

Амир Темур – 670

СУРОНЛИ ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ

"Ҳазрат Соҳибқирон" тарихий эссесини ўқиб...

Соҳибқирон Амир Темур тарихи, улуғ бобокалонимизнинг зафарли юришлари ҳақида битилган тарихий, илмий ва адабий манбалар талайгина. Турли даврларда ёзилган, чоп этилган, турли жойларда сақланаётган бу китобларни эътибор билан ўқиган китобхон, уларни бир-бирига қиёслаб ўрганган тадқиқотчигина саналар, тарихий юришлар шарҳидаги турли тавсиф ва воқеалар баёнидан асл ҳақиқатни англашга муваффақ бўлиши мумкин. Бунинг учун бобокалонимиз тарихи, бинобарин халқимиз ва миллатимиз ўтмишига доир катта тарихни асл манбалардан ўқиб-ўрганишга эҳтиёжманд ўқувчилардан кўп вақт ва имконият талаб этилади, албатта. Шу маънода тарихий манбаларни, игна билан қудуқ қазигандек, узоқ йиллар мобайнида холислик билан синчиклаб ўрганган ҳамда қарашларини муайян тартиб асосида ўз китобларида акс эттирган олим ва ижодкорларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Бу жиҳатдан марҳум темуршунос олимимиз Бўрибой Аҳмедовнинг ўн йилча муқаддам чоп этилган "Амир Темур" тарихий асари муҳим янгилик бўлган эди. Бироқ ҳурматли олимимиз тарихий асарларга асосланиб ёзган ҳужжатли китобини "роман", деб атагани кўпчиликка бироз эриш туюлганди ҳам. Аслида Амир Темур ҳақидаги тарихий манбаларнинг қаймоғи сифатида ёзилган бундай "тарих"ларга китобхонларда ҳамиша эҳтиёж катта бўлади. Бироқ уларнинг жанрини белгилашга ҳар хил ёндашувлар китобхоннни бир қадар чалғитиши мумкин. Негаки, ўқувчилар романни ушбу жанр талабларига мос асар сифатида қабул қилишга одатланган. Демак, унинг воқеалари баёнида муаллиф томонидан тўқима ҳолда киритилган тасвирлар ҳам мазвжуд, деган иштибоҳ туғилиши тайин. Бу иштибоҳ табиий равишда асарнинг, унда кечган воқеаларнинг аслан тўғрилигини ҳам шубҳа остига қўяди. Шу сабабли бундай асарни ўқиб завқланган китобхон ёки тадқиқотчи ундан бобомиз Амир Темур тарихига доир бирор иқтибос олмоқчи бўлса иккиланиб қолади. Чунки, ундаги воқеалар чинданам бўлганми ёки муаллифнинг бадиий фантазиясими, деган савол туғилади.

Шу боисдан Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Фасиҳ Ҳавофий ва бошқа тарихчиларнинг Амир Темур тарихига доир асарлари қўлида бўлмаган (уларнинг ададлари чеклангани боис) китобхонлар мана шундай нодир манбалар ва бошқа ҳужжатларга асосланиб ёзилган асарларга эҳтиёж сезиши аниқ. Таниқли публицист адиб Ҳаким Сатторийнинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи томонидан чоп этилган "Ҳазрат Соҳибқирон" тарихий эссеси мана шу эҳтиёжни қаноатлантирувчи асар бўлганлигини мамнуният билан эътироф этиш жоиз. Китобга атоқли шоиримиз Абдулла Орипов "Муҳташам зот васфи" сарлавҳали сўзбоши ёзган.

Муаллиф тарихий воқеаларни муайян тартиб асосида баён этар экан, уларни қайси манбаларга асосланиб изоҳлаётганини аниқ ифода этади. Воқеаларнинг кечган жойи, вақти, қаҳрамонларнинг номлари аслидагидай келтирилгани ҳам ўқувчига маъқул келади. Муаллиф тарихнинг бурилиш нуқталари тавсифи, юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг аҳамияти ва уларга муносабатдагина ўз шахсий "мен"ини намоён этади, холос. Шунда ҳам асло холислиқдан чекинмайди. Тарихий адолат нуқтаи назаридан туриб фикрлаш муаллиф позициясини белгилайди. Ортиқча изоҳу шарҳларга берилмайди, китобхонларда шубҳага ўрин қолдирмайди.

Эсседа Амир Темур ҳаётининг муайян даврлари "Мавлуд айёми", "Балоғат", "Мақсад сари", "Ҳукмдор", "Жаҳонгир", "Соҳибқирон", "Етти юлдуз ёғдуси", "Жаннаторо Самарқанд", "Қорли Ўтрор" каби бўлимлар орқали ифода қилинган. Ҳар бир бўлимдан сўнг "Буюк ҳаёт лаҳзалари" рукни билан кечган воқеаларнинг қисқача шарҳи берилгани ҳам ўқувчи учун анча қулайлик туғдиради. Китоб саҳифаларига Амир Темур бобомизнинг юрт озодлиги йўлида тенгсиз кураш олиб борган манзиллар ва буюк жаҳонгир сифатидаги ҳарбий юришларига доир хариталар илова қилингани янада эътиборга моликдир. Шунингдек, муаллифнинг "Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб" ташкил этилган экспедиция таассуротларига доир "Сафарномалар"и ҳам ушбу китобдан жой олган.

Муаллифнинг ижодий ютуғи шундаки, эсседа бобокалонимиз ҳаётининг барча қирралари — юрт озодлиги учун кураш, амирлар ўртасидаги зиддиятлар, душман қутқусига учган айрим амирзодалар хиёнати, соҳибқирон атрофини қуршаган тарихий шахслар, мағлуб бўлган ёки бош эгиб келган ҳукмдорларга муносабат, рақиблар билан бўлган жангу жадал тафсилотлари тўкис қамраб олинган. Айни пайтда ниҳоятда мураккаб ва кўп воқеа-ҳодисаларнинг батафсил баёни китобнинг бошдан охиригача завқ-шавқ билан ўқилишига халал бермайди.

Муаллиф буюк жаҳонгир вояга етган муҳит ва унинг тарих майдонига келиш даврларини тасвирлар экан, машҳур тарихчиларнинг китобларида баён этилган асл тарихий ҳақиқатга таянган ҳолда фикр юритади. Ватаннинг даҳо халоскори бўлишга бел боғлаган соҳибқирон Амир Темур зиммасидаги залворли юк ҳақида фикр юритаётиб, шундай ёзади:

"Соҳибқиронинг чекига тушган қисмат ройиши, унга аталган ҳаёт тарзи шунчалик шиддатли эдики, бир инсон — ота сифатида дард чекишга, курашлардан сўнг дам олишга, авом халқ қаторида осуда яшашга имкон тополмасди. Ҳазрат гўё улкан оқимга тушиб қолган, энди фақат нариги қирғоққа сузиб ўтибгина ўзини сақлаб қолиши мумкин. Бу оқимнинг запти шунчалик тезкор эдики, озгина ғафлатда қолиш, кечикиш ғарқ бўлиш билан баробар эди. У тинмай от суришга, эгар устида тонгларни бедор ўтказишга, бунинг устига ўз сафдошларига жасоратда, матонатда, маҳоратда ўрнак бўлишга мажбур эди... Темурбекка ҳар бир дақиқа, ҳар бир ҳаракат — у чегаларда ёғийнинг пайдо бўлишими, ишонган одамларининг хиёнати ёки тақдир ўйиними — ҳаммаси синов эди".

Ушбу китобни мутолаа қилиб, улуғ Соҳибқироннинг юрт тинчлиги ва осойишталиги, ободлиги учун олиб борган бунёдкорлик ишлари, илм-фан ва маданият ривожи, қўшиннинг ёвқурлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, ҳарбий маҳорати, бек ва навкарлар, раият, дин аҳлларига, аёлларга муносабати, уларга кўрсатган буюк ҳимматлари, ҳомийлиги ва шу каби улуғ шахс маънавий қиёфасини белгиловчи жиҳатлар ҳақида ҳам батафсил маълумот олиш мумкин.

Китобда Искандар Мақдуний, яъни македониялик Александрнинг — Искандар Зулқарнайн тарзида, Амир Темур Жомеъ масжидининг "Бибихоним масжиди" тарзида янглиш берилгани каби жузъий хатолар ҳам учрайди. Бу ўринда шуни айтиш керакки, айрим манбаларда Зулқарнайн номи фақат Искандарга нисбат берилгандагина қўлланилган. Бироқ бу Искандарнинг асл номи дегани эмас. "Ўзбек қомуси"да: "Баъзи ислом тадқиқотчилари "Қуръони карим"да зикр қилинган Зулқарнайнни македониялик Искандарнинг ўзи деб ва баъзилари ҳазрат Иброҳим (ас)дан илгари яшаб ўтган бутунлай бошқа шахс деб талқин этишади", деб изоҳ берилган.

Соҳибқирон даврида улуғ ҳукмдор томонидан қурдирилган "Амир Темур Жомеъ масжиди"нинг "Бибихоним масжиди" деб аталиши хато эканлиги тўғрисида академик Ботурхон Валижўжаев ва таниқли меъмор, маданий ёдгорликларимиз тадқиқотчиси Пўлат Зоҳидовлар "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги саҳифаларида ва бошқа тарихий-илмий рисолаларда кўп ёзишган. *(Самарқандда Сароймулкхоним томонидан масжид эмас, мадраса қурдирилган. Узоқ сафардан қайтган Соҳибқироннинг ана шу мадрасага келиб тушгани ва унинг қурилишига берган баҳоси ҳақида манбаларда кўп ёзилган. Бироқ бу мадраса асрлар сурони, зилзилалар ва бошқа сабаблар боис бугунгача омон етиб келолмаган, ҳозир унинг фақат пойдевор қисмигина сақланиб қолган — **М.А.**).*

Тарихий вазият ва Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан ўтмишда буюк салтанатлар тузган, миллат ва Ватан тақдирида ўчмас из қолдирган у ёки бу ҳукмдор ҳақида асарлар битилар экан, бадиий санъатнинг ҳеч бир жанри тарихнависнинг холис тасвири ва баҳоси янглиғ теран аҳамият касб этмаслиги мумкин. Бадиий асар ўз бадиият қонунлари асосида иш кўради: у ёки бу воқеа-ҳодиса, қаҳрамонлар қиёфасини муаллиф олдига қўйган бадиий мақсад асосида гавдалантиради. Бу ўринда бадиий асарнинг муайян шартлиликка таяниши, муаллиф маҳорати ва тажрибаси каби жиҳатларни ҳам ҳисобга олмаслик адолатдан бўлмайди. Бадиий асар муаллифининг тафаккур қамрови ҳар қанча кенг бўлмасин, биз хоҳлаймизми йўқми, у ёки бу ҳукмдорнинг Оллоҳ томонидан инъом этилган буюк қудрати ва шахс такомилининг бениҳоя чексиз кўламини тўкис акс эттира олмаслиги мумкин. Муаллифининг иқтидори даражасидан юксакка кўтарила олмаган роман ва қиссалар эса истаганча топилади.

Бундай мулоҳазани "Буюк Пётр" романи муаллифи Алексей Толстойга нисбатан ҳам, Амир Темур ҳақида трилогия ёзаётиб, буюк бобокалонимиз куч-қудрати ва шахсиятидан кир ахтаришга бел боғлаган Сергей Бородин асарига нисбатан ҳам ёки Наполеон ҳақида асарлар битган бошқа ўнлаб адиблар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бундай асарларнинг муаллифлари баъзан тарихий шахс сиймосини яратаётиб, ё уни идеаллаштириб, ё аслидагидан кўра бачканалаштириб қўйган ҳоллар ҳам учраб турибди.

Шундай экан, тарихий кечмиш ёки бирор ҳукмдор ҳаётига доир бадиий асарнинг ҳам, ўтмиш ҳужжатлари асосидаги тарихий ёдномаларнинг ҳам ўзига хос алоҳида ўрни борлигини ҳисобга олишимиз зарур бўлади.

Айни чоғда, сўнгги пайтларда халқимиз ўтмиши, буюк сиймоларимиз ҳақида тарихни зарур манбалар асосида чуқур ўрганмасдан ёзилган бадиий саёз асарлар ҳам урчиб бораётгани сир эмас. Ижодий уюшмалар муҳокамасидан ўтмаган ва турли нашриётларда ўзлари топган ҳомийлар томонидан "енг ичида" нашр этиб юборилаётган бундай китоблар кўп ҳолларда ўқувчиларни чалғитади ва улар дидининг нотўғри шакллланишига йўл очади. Бундай "қўлбола асар"ларнинг қутубхоналар тўридан жой олиши эса янада ташвишлидир.

Шу маънода, публицист адиб Ҳаким Сатторийнинг "Ҳазрат Соҳибқирон" эссеси айнан мўътабар манбалар асосида ёзилгани билан китобхонларда катта қизиқиш уйғотади.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Ширин АЗИЗОВА

Шафқатсиз ўлим Ўзбек Миллий академик драма театрининг етакчи актёри, Ўзбекистон халқ артисти Азизовани орамиздан олиб кетди.

Ширин Азизова 1940 йилда Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида туғилди. 1961 йилда Тошкент театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат) институтининг "Драма ва кино актёри" факултетини тугатгач, институт йўлланмаси билан Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрида меҳнат фаолиятини бошлади ва шу даргоҳда узоқ йиллар ижод қилиб, ўзининг бетакрор истеъдодини намойиш этди.

Актриса 1968 йилдан бошлаб Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма (собиқ "Ёш Гвардия") театрида фаолиятини давом эттирди ва ушбу театрда саҳналаштирилган спектакларда Зилола (М.Каримов, "Дийдор"), Нози (М.Бойжиев "Баҳс"), Мадина (М.Бойжиев, "Ҳар хонадонда байрам"), Майсара (Ҳамза, "Майсаранинг иши"), Сора (Ҳамза, "Ишқ қурбонлари") каби ролларни маромига етказиб ижро этиб, мухлислар эътиборини қозонди. Ана шу ижодий жараёндан муваффақиятли ўтган актриса 1987 йилда Ҳамза номидаги ўзбек давлат (ҳозирги Ўзбек Миллий) академик драма театрига ишга ўтиб, умрининг охиригача ушбу жамоада фаол меҳнат қилиб келди.

Ширин Азизованинг шу театр саҳнасида яратган Ўзбекойим (И.Султон, "Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари"), Аёл (Ф.Мусажонов, "Нажот истаб"), Малика (Ҳ.Муҳаммад, "Хотинлар гапидан чиққан ҳангома"), Жаннатхон (И.Содиқов, "Афандининг беш хотини"), Она (А.Кассона, "Дарахтлар тик туриб жон беради") каби бақувват ва жозибали образлари театр ихлосмандлари қалбидан жой олди.

Актриса қатор бадиий филмларда сермазмун роллар ижро этди. "Ўткан кунлар"лардаги Жаннат, "Бомба"даги Назокатхон; "Аёл зоти" телесериалидаги Мунаввархон образлари юксак ижро маҳорати билан ажралиб туради.

Ширин Азизованинг серқирра ижодий фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига ҳамда "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлган эди.

Ажойиб инсон, меҳрибон она, устоз санъаткор Ширин Азизованинг порлоқ хотираси театр мухлислари қалбида ҳамиша сақланади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

"КЎП ЯХШИЛАР ИЧРА..."

Абдушукур Шукурий ижоди ҳақида

Қори Раҳматулло Возиҳнинг "Туҳфатул-аҳбоб фит тазкиратил-асҳоб"(1871 й.) асарида муаллиф XVIII аср охири ва XIX асрда ижод қилган кўплаб шоирларнинг таржимаи ҳолини баён қилган. Улардан бири зуллисонайн шоир Абдушукур Шукурийдир.

Мазкур тазкирада у ҳақда шундай маълумот келтирилади: "Ва бу Шукурийи Фарғонийки, ўшал айёми фараҳжомда Самарқанд аҳли туркигўй шуаросидан эрди". Демак шоир Фарғонада туғилиб, кейинчалик Самарқандга келган ва шу ерда яшаб қолган. Эгарчилик ва наққошлик касбу кори бўлган Шукурий бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Шеърлар ёзиб, адаб аҳли орасида шуҳрат қозонади. Унинг ҳунар бобидаги муваффақияти Амир Насруллога ҳам етиб боради ва Бухорога олиб кетади. Шу боис Шукурий асарларида сарой шоирлари ижодида учровчи услуб сақланиб қолган. Шоир ҳазрат Навоийнинг бадиий маҳоратидан унумли фойдаланиб, мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилган.

Шукурий девонининг бизгача иккита қўлёзма нусхаси етиб келган. Биринчиси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, иккинчиси Санкт-Петербург Қўлёзмалар институтида сақланмоқда. 5022-рақам билан сақланувчи Тошкент қўлёзмасида шоир ўзи ҳақида шундай ёзади: "Агарчандики мавлудим балдаи Фарғона, насабим туркман Ало оталиғ эрди, аммо улуғ боболарим Молтопар Қушбеги ибни Қурбон оталиғ ибни Бобош оталиғким, намакҳўр ва жонсипори бу давлатхона эрдилар. Алҳамдулиллоҳким, ул ҳазрат меҳрибонлиғи бирла намакҳўрлик мартабасиға етдим".

Қори Раҳматулло Возиҳнинг тазкирасида шоир ҳақида шундай маълумот берилган: "Шукурий — исми Абдушукур жаннатсифат Самарқанднинг мутавваларидан. Илм ололмаганлигига қарамай яхши таъби бор. Равонлик ва сафоғўйликда оби-ҳаётдан ҳам ўтиб тушган. Шеърни тез айтиши ва ёқимли мазмуни барча тоифага мақбул. Шеърининг шуҳрати чекка-чеккалардаги мажлислар ва тингловчиларга ҳам етиб борган. Хусусан таърих топиш соҳасида барча замондошларини қойил қолдирган". Ушбу маълумотлар ҳам унинг ижод олами ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

Шоир девонидаги "Бу камина ақидаи шиор ихлос асар наққошлиғ хизмати орасида қоҳи қасидаи тоза ва гоҳо ғазали жадид машқ қилиб, шоҳи олампаноҳ Ҳумоюн жанобиға омонзе мақбурлиғ бирла манзури казоре муборак қилур эрдим.

Фард:

Олам аро сўз гулшаниға илм исолат,
Бе асл на мумкин
бу чаман ичра тароват.

Ночор ул ҳазратнинг фармойишини вожиб билиб, нафаси муборак хосиятидин иноят топиб, девон жамиятиға қўшиш қилдим нечаким, қасида, ғазал, мухаммас, таърих, маснавий, рубоий ва арзои туркий ва форсий".

Шоир шеърлари ўзига хос ранг-барангликкa эга. Шукурий оқ, қизил, яшил ранглардан бадиий мақсадни ифодалашда кенг фойдаланган. Жумладан, унинг "оқ" радифли ғазалида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати шундай ифодаланади.

Жилва азмин қилди мен сори
кийиб жононим оқ,
Ўлди ҳижрондин қаророғон
кулбаи эҳзоним оқ.

Ғазалда лирик қаҳрамон руҳий ҳолати *оқ* ва *қора* зиддияти асосида очиб берилади. Ошиқнинг кулбаси ҳижрон ғамидин қорайган. Кулба — дунё, ошиқ кўнгил дунёсининг рамзи. Ҳижрон шиддатидан дунё унинг кўзига коронғу. Шунда оқ хилъат кийган жононанинг ташрифи ошиқ кўнглини ёритиб юборади. Бу ҳолатни шоир қоранинг оққа ўзгариши орқали ифодалайди:

Тийра шомим субҳ янглиғ
равшан ўлса не ажаб,
Эй Шукурий, гар нетиб
чиқса моҳитобоним оқ.

Шукурий шеъриятнинг ранг-баранг жанрларида ижод қилган. Жумладан, унинг девонида ғазал, қасида, таърих, мухаммас, маснавий, рубоий, ҳасби ҳол етакчи ўрин тутади.

Ўзини маломат қилинишга лойиқ деб ҳисоблаш — ўзбек мумтоз адабиётида анча кенг тарқалган услублардан бири. Навоийнинг лирик қаҳрамони ошиқ, ориф, мутафаккир, ринд бўлиш билан бирга, маломатий ҳамдир. Шукурий лирик қаҳрамони ҳам маломатийлик кайфиятидан холи эмас. Жумладан, у ғазалларидан бирида ёзади:

Кўп яхшилар ичра бир ёмондин
не зарар,
Гуллар аро гулларга тикондин
не зарар.

Байт мазмунига кўра, бошқалар — яхши, лирик қаҳрамон — ёмон, қолганлар — гул, лирик қаҳрамон — тикан. Бинобарин, у танқидга, маломат қилинишга лойиқ. Бу лирик қаҳрамоннинг ўзига берган баҳоси, иқроридир. Бундан бир неча мақсад кўзланган. Биринчидан, нафсни мағлуб қилиш. Иккинчидан, лирик қаҳрамон ўзини ёмон, бошқаларни яхши деб, уларни ахлоқий-маънавий поклашишларга даъват этаётир.

Шукурий ижодида таърих жанрида битилган асарлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Уларда Амир Насрулло томонидан Тошкент, Жиззах, Зомин, Хўжанд ва Қўқоннинг босиб олиниши, Миёнкол кўзғолони ва унинг бостирилиши қаламга олинган. Шоир Насруллахонга бир вақтлар яхлит давлат бўлган Мовароуннаҳр ва Туркистонни бирлаштирувчи, бошбошдоқликка чек қўювчи шахс сифатида қарайди. Айни чоғда бу таърихлар давр воқелигини ичдан туриб ёритганлиги билан аҳамиятлидир.

Шоир бисотида ҳам мумтоз адабиёт вакиллари ижодига, ҳам замондошлари шеърларига боғланган тахмислар кўп учрайди. Яхшилик ва ёмонлик, ҳалол меҳнатдан етадиган наф ва ҳаром луқмадан келадиган офат Шукурий панднасиҳатларининг асосини ташкил этади.

Яхшилик ила бўлсанг,
дер аҳли замон яхши,
Эл яхши деса, дермиш
Халлоқи жаҳон яхши.

Шукурий маънавий камолот масалаларини изчил талқин қилган. Унинг бу борадаги қарашлари ўз даври муаммолари билан боғлиқликда юзага келган. Шоир шахс камолотини жамият тараққиётининг асоси сифатида кўради. Жамиятда камолотга етган кишилар қанча кўп бўлса, қолганлар ҳам уларнинг таъсирида камолот касб этадилар, деб ҳисоблайди шоир. Буни у ўзига хос бир ўхшатиш билан, яъни туз конига тушган бошқа зарранинг ундаги жараён таъсирида тузга айланиши орқали ифодалайди:

Эшитмишда будур: не тушса туз
конига туз бўлғай,
Шукурий, бўл камол истар эсанг,
аҳли камол ичра.

Байтда "туз" сўзи тўғрилик, унинг ранги эса софлик, поклик маъноларини ҳам ифодалайди.

Тасаввуфий ғоялар анъанавий равишда Шукурийнинг ахлоқий қарашларида ҳам ўз изини қолдирган. Шоир ахлоқ ва инсон маънавий камолоти масалаларини ҳиммат, фақр, сидқ, ризо, тавозеъ, сабр сингари тушунчалар билан боғлиқликда талқин қилади:

Ҳиммату фақр ила тасдиқ аҳли
бирла ёрмен,
Хиссату кибр ила ёлғон
элидин безормен...

Шукурий мумтоз адабиётимиз идеалларига хос ахлоқий-маънавий қадриятларни ўз ижодида давом эттирди. Уларга янгича руҳ ва мазмун бағишлади. Шу жиҳати билан ҳам унинг ижоди XIX аср ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Шукурийнинг ғоявий-эстетик қарашларини тадқиқ этиш ва адабиётимиз тарихидаги ўрнини белгилаш эса навбатдаги тадқиқотлар туфайли юзага чиқади, деган умиддамиз.

Собира ЖЎРАЕВА,
Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси

Китобингизни ўқидим

ОҲАНГЛАРДА ДИЁР МАДҲИ

Маълумки, йил бошидан буён бадиий-ҳаваскорлик жамоаларининг "Диёр оҳанглари" республика телевизион фестивали ўтказиб келинмоқда. Фестивалнинг асосий мақсади халқ ижодиёти ва ҳаваскорлар санъатини янада ривожлантириш, янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, уларни рағбатлантириш, ҳаваскор ижодкорларнинг ютуқларини кенг тарғиб қилиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни ватанпарварлик ва юртга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Жамоалар мақом, мумтоз қўшиқлар, оммавий рақслар, халқ чолғу оркестри, эстрада, фолклор (ялла, лапар, айтишув, ўлан, бахшичилик санъати асосида композиция) ижрочилиги, саҳна кўринишлари, сўз санъати, муқаддима ва хотима йўналишлари бўйича маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Яқинда Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳаваскорлари телефестивал меҳмони бўлдилар. Мақом йўналишида Сегоҳ мақомидан "Талқинчаи мўғулчаи сегоҳ" ва уфориларини маромига етказиб куйлаган Ғиждувон туман мақомчилар жамоаси, "Диёр оҳанглари" (С.Воҳидов сўзи, О.Атоев мусиқаси) қўшиғи ижрочиси Ж.Тоиров ҳамда унга рақсга тушган Бухоро тумани "Лола" ашула ва рақс жамоаси, эстрадада Қоровулбозор туманидан М.Ризаева, сўз санъатида Когондан "Шов-шув" ҳаваскорлик драма жамоаси, хотимада Қоровулбозор тумани ашулачилар ансамблларининг олқишга сазовор бўлдилар.

Зарафшон шаҳридаги "Афсона" ашула ва рақс жамоаси қадимий Нурота рақсини маҳорат билан ижро этди. Халқ термаларини моҳирона ижро этган "Хушон замон" (Навбаҳор тумани), "Нуржаҳон" (Нурота тумани), "Вангози" (Қизилтепа тумани) жамоаларининг дастурлари анъаналаримизни тиклашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Хотимада ижро этилган "Она юрт мадҳи" барчага манзур бўлди.

Муҳими, "Диёр оҳанглари" телефестивалида юртимизнинг энг чекка қишлоқ, овулларида яшайдиган истеъдод эгалари ҳам қатнашишга муяссар бўлмоқдалар. Андижон, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларининг чиқишлари ҳам муваффақиятли ўтади, деган умиддамиз.

М.КАРИМОВА

«САОДАТ» ТУҲФАЛАРИ

Журналларни варақлаганда...

Мамлакатимиз хотин-қизларининг севимли, дилтортар суҳбатдоши, маслаҳатгўйи ва доимий ҳамроҳи "Саодат" журнали эзгу ниятлар билан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аталган жорий йилда ҳам мазмун-мундарижаси ранг-баранг ва бой, дид билан безатилган савияда чоп этилиб турибди. Журналнинг 2006 йилдаги дастлабки тўрт сонини варақласангиз бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Аввало "Саодат"нинг мунтазам рукнлари ҳақида гапириш жоиз. Чунончи, "Саодат манзиллари" рукнида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги заҳматкаш опа-сингилларимизнинг ижтимоий фаолияти кенг ёритилган. "Жамият ва шахс" рукнида кўзга кўринган аёл раҳбарларимизнинг қалб ва қиёфалари, жамиятдаги бурч ва вазифалари, мақсад, интилишлари батафсил ҳикоя қилинади. Жумладан, Қ.Раҳимбоева ва Х.Бобомуродованинг "Китоб кенгликларида", сенатор Ҳаётхон Ортиқбоеванинг "Ишонч куч беради", Х.Усмонованинг "Кўз кўзни танийди" сарлавҳали мақолаларида ("Саодат", 2006, 1-сон) кузатишлар, фикр-мулоҳазалар жамиятимизда аёлнинг мавқеи тўла эътироф этилаётганини кўрсатиб турибди. "Бош муҳаррир минбари", "Тақдирлар. Муаммолар. Имконлар", "XXI аср аёли", "Дунёга машҳур хонимлар" рукнларида берилган турли мавзудаги ўқишли, қизиқарли материаллар ҳам мухлисларга манзур бўлаётгани аниқ.

"Саодат"нинг туҳфалари ғоятда ранг-баранг ва айни шу фазилат журналнинг бугунги сершовқин ҳамда шиддатли замонда ўз мавқеини, анъаналарини, обрў-эътиборини сақлаб келаётганининг омили бўлса ажабмас. Таниқли санъаткор ва ижодкорлар, ўз касбининг моҳир ва фидойилари билан дилкаш суҳбатлар, ёдномалар ва айниқса, санъат ва адабиётга ажратилган саҳифалар журнал мундарижасининг аниқ ва пухта режалаштириб тайёрланаётганидан далолат бериб турибди. Масалан, таниқли санъаткор Афзал Рафиқов, Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матёқубова билан суҳбатлар, адиба Ойдин ҳақидаги ёднома, ёзувчи Шаҳодат Исаҳонованинг "Жўралар" қиссаси, Манфаат Алп Жамол қизининг "Яхшилик" ҳикояси, Самия Сайхун, Фарида Афрўз, Иқбол Мирзо, Гулжамол Асқарова сингари шоирларнинг янги туркумлари, жаҳон адабиётидан танланган сара асарлар таржималари журнал ўқувчилари доирасининг янада кенгайишига туртки беради.

"Гўзал қадриятларимиз", "Ислом маърифати", "Зулфия ёғдулари" сингари турли рукнларда берилаётган материаллар мухлисларни турмуш ҳорраҳаларида дуч келинадиган муаммолар хусусида фикр юритишга ундайди, ёш истеъдодларнинг сурурли ўй-хаёлларига ошно этади.

Журнал дизайни замонавий ва айни пайтда бу борада "Саодат"нинг кўп йиллик безатиш анъаналари ҳам сақлаб қолинган. Шу маънода, "Саодат" ўз йўлига садоқатли нашр сифатида опа-сингилларимизга ҳар бир янги сони билан ўзига хос кўнгил байрамларини туҳфа этаверишига тилакдошмиз.

БИР АСАР ҚУВОНЧИ

Ўқувчи фикри

Мен ҳаваскор қаламкаш, бадиий сўз ихлосманди сифатида адабий жараённи ўзимча кузатиб бораман. Назаримда, сўнгги пайтларда ёзувчи Луқмон Бўрихон ижоди адабий гурунглар, баҳс-мунозараларга мавзу бўлмоқда. Хусусан, унинг "Таҳлика" ("Ёшлик", 2005 йил 3-сон) қиссаси ҳақида ҳам хилма-хил фикрлар билдирилмоқда.

Мен ҳам ушбу қиссани қизиқиш билан ўқидим. "Таҳлика" детектив жанрнинг унсурларига таянган бўлса-да, менингча, у кўпроқ лирик асарлар сирасига киради. Чунки ёзувчи бир жиноятнинг содир этилиши ва фош қилиниши жараёнини тасвирлар экан, аслида қалам қувватини ўша жиноят тевараги-даги қаҳрамонларнинг характерини, руҳиятини очишга қаратади. Айтиш мумкинки, муаллиф ўз олдига қўйган вазифани уддалай олган. Биз "Таҳлика"да ёрқин образларни кўрамиз ва бундан ҳузурланамиз. Луқмон Бўрихон сўзлар салмоғини яхши ҳис қилишга ҳаракат қилади, содда, ҳазил-ҳузулларга қоришиқли тасвирлар қатига ижтимоий, инсоний дардларни сингдиришга уринади. Шу маънода қиссадаги ҳар бир детал, ҳар бир манзара тасвири ўз ўрнида, маълум бир мақсадни кўзлаб қўлланилган, дейиш мумкин.

Хўш, қисса нима учун "Таҳлика" деб аталади, ушбу ном ўзини оқлайдими? Ёзувчи бу ўринда асарда кечаётган воқеалар жараёни таҳликали демоқчи эмас, балки асар бош қаҳрамони — Маликнинг турмуш тарзи, руҳияти таҳликали деган фикрни олға суряпти. Чунки Малик — худбин, такасалтанг ёшларнинг типик образи. У Ҳабибани қутқариш учун эмас, ўзини танг вазиятдан халос этиш учун ўлиб-тирилади. Малик ҳузур-ҳаловати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган нусха. У, ҳатто, дўсти Нусратбекни қутқариш учун ҳам ҳаракат қилмайди, чунки ичидаги бир ғайирлик бунга йўл қўймайди. Шу сабаб қисса сўнгида у "хазонларга қоришиб" чинор (чинор!) устидан пастга тушади. Адиб "Таҳлика"ни шундай, ўқувчини фикрга ундайдиган тасвир билан якунлайди.

Албатта, асар айрим жузъий нуқсонлардан ҳам холи эмас. Хусусан, персонажлар тили бир-биридан кескин фарқланмайди. Қиёмига етмаган ғализ жумлалар, ифодалар, шева унсурлари суиистеъмол қилинган ўринлар ҳам кўплаб учрайди.

Шунга қарамай, биз иқтидорли ёзувчимиздан янада баркамол, пишиқ-пухта асарлар кутиб қоламиз ҳамда китобхонларни унинг янги қиссасини топиб ўқишга даъват этамиз.

Ахтамқул КАРИМ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Наманган вилоят Алишер Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида австриялик драматург Фридеш Каринги-нинг "Сеҳрли курси" пиесаси асосида саҳналаштирилган "Ёлғонлар чув тушган кун" комедияси тақдимоти бўлиб ўтди.

Спектаклни Тошкент давлат Санъат институтининг дипломанти Жавлонбек Жўраев саҳналаштирди. Бадиий раҳбар — театр бош режиссёри Карим Йўлдошев. Рассом — Машраб Бобожонов, таржимон — Жўра Маҳмуд. Асосий ролларни Баҳодир Жўраев, Алижон Тожибоев, Дилфуза Қодирова, Авазбек Қодиров, Абдусаттор Бокиевлар ижро этмоқда.

Наргиза ТУРСУНХЎЖАЕВА

АДАБИЁТИМИЗ ЭРТАСИ

Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Зомин тоғлари бағридаги Ўриклисой оромгоҳининг таровати янада ортади. Мамлакатимиз ёшларининг жўшқин шеърлари, ижод намуналари гўё тоғнинг бедор шаббодаларига ўхшайди. Бу ёқимли сабо анвойи гиёҳлар, асрий арчаларни тебратади. Оппоқ парқу булутлар қалби пок, беғубор туйғулар ила тўлиб-тошган ёшларнинг боши узра соябон бўлади.

Ҳар гал Зомин анжуманида иштирок этишга чоғланаётган ижодкор йигит-қизларимизни кузатаман. Албатта, улар катта бир иштиёқ, ҳаяжон ва бироз иккиланиш билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносига, демакки адабиётимиз остонасига қадам қўядилар. Дастлабки тортинчоқлик, устозлар қаршисида илк бор сўз айтиш, шеър ўқиш масъулияти қанчалар уларни ҳаяжонга солмасин илк синовга умид ва ишонч, журъат билан шайланадилар. Уларнинг қатъият балқиб турган юз-кўзларидан гўёки шу сўзларни уққандай бўласиз.

Бу йилги анжуман нафақат ёшлар, балки барча устозлар ва меҳмонлар учун ҳам унутилмас дақиқаларга бой бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати анжуманга катта тайёргарлик кўрди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, устоз Абдулла Ориповнинг ижодкорнинг Ватан, адабиёт олдидаги бурчи ва вазифалари, Ватанни севиш, ардоқлаш, ҳимоя қилиш, мустақилликни кўз қорачиғидай асраш, адабиётнинг қутлуғ номига доғ туширмаслик, ижод борасида қунчаклик билан айтган сўзлари ёшлар онги ва қалбида бир умр бедор қўнғироқдек жаранглаб турса ажаб эмас.

Ўз мақсад-моҳиятига кўра Зомин анжумани ёш ижодкорларга қанот берди. Адабиётнинг сеҳрли оламига киришлари учун оқ йўл тилади.

Анжуманнинг **"Биз — Президент фарзандларимиз"** шиори остида ўтгани ҳам бежиз эмас. Негаки, диёримизнинг барча ёшлари қатори, ёш ижодкорларимиз ҳам ўзларини Юртбошимизнинг фарзандлари деб биладилар. Зомин анжумани ҳам ўн йил аввал мамлакатимиз раҳбарининг оқ фотиҳаси билан бошланган эди.

Ёшларга тақдим қилинган эсдалик совғалари ичида муҳтарам Президентимизнинг **"Ёшлар — халқимизнинг ишончи ва таянчи"** деб номланувчи китобининг борлиги ҳам катта маънога эгадир. Юртбошимизнинг мазкур китобидан ўрин олган қуйидаги даъватлари бугун ҳар бир ёш ўғил-қиз, шу жумладан ёш ижодкорлар юрагига ҳам мухрланган, десак муболаға бўлмас.

"Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди!

Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп. Лекин ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир".

Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Маҳмуд Тоир ҳамда Сирожиддин Саййид, Аҳмаджон Мелибоев, Салим Ашур, Туроб Мақсуд, Рустам Мусурмон, Собир Ўнар каби шоир ва адиблардан тузилган анжуман ҳайъати бир неча кун давомида ёш ижодкорлар билан ижодий машғулотлар олиб борди. Ёшларнинг турли жанрларда битган энг сара асарлари муҳокама этилди. Жумладан, сурхондарёлик ёш шоира Гулноза Бобоевага "Ватан мавзусидаги энг яхши шеърлари учун" "Ўзбекистон овози" газетасининг махсус мукофоти топширилган бўлса, хоразмлик адиба Гўзал Матёқубова "Миллий руҳдаги энг яхши асар"и учун "Милий тикланиш" партияси Марказий кенгашининг совринига сазовор бўлди. Қорақалпоғистонлик ижодкор Шаҳло Шукрулло қизига Жиззах вилояти ҳокимлигининг соврини, фарғоналик Муҳаммад Иброҳимга Зомин тумани ҳокимлигининг эсдалик совғаси топширилди.

Бундан ташқари, ёш ижодкорлар Назира Боймуродова, Манзура Эгамбердиева, Амангул Турдимуратова, Гўзал Матёқубова, Муҳаммад Иброҳим ва Алишер Исоқов Олий Адабиёт курсида ўқиш учун йўлланма олдилар. Виктория Осадченко, Абдулҳамид Мухторов, Мирзо Аҳад, Аюбхон Муҳаммадиев, Меҳринисо Абдураҳмонова, Саид Азим, Абдулла Аҳмад номзодлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этилди.

Семинар-кенгаш ишида Жиззах вилояти ҳокими Убайдулла Яманқулов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбари Ботир Убайдуллаев иштирок этди.

Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари

ЙИЛЛАР УЧРАШТИРАР БИЗНИ БИР КУНИ...

Дилафруз ЗОИРОВА

Йиллар учраштирар бизни бир куни,
Албат учрашмоқни ваъда қиламан.
Кеча туни билан ўйладим шуни,
Мен сизга Бахтимни ҳадя қиламан.

Майли, оқармаса қора сочингиз,
Майли, букилмасин қоматларингиз.
Фақат менинг туҳфам ўша бахт ила
Доим чопиб юрсин омадларингиз.

Бугун сиздан ҳечам нафратланмайман,
Гарчи сиз туфайли бошда минг ғавғо.
Юракнинг энг қайноқ тубидан олиб,
Сизга илиняпман арзимас совға.

Ҳарчанд уринмайлик тақдир эшиги,
Бизга очилмади, топмадим чора.
Балки бошингизга бахт қуши қўниб,
Тақдир эшик очса ажабмас зора.

Сизни қарғамайман, ишонинг менга,
Ахир топширяапман жон-жаҳонимни.
Фақат илтимосим, сўнгги ўтинчим:
Жонингиздай асранг арғумонимни...

Қарши

ЗИЛОЛАНИНГ КЎЗЛАРИ



Музаффар ЙЎЛДОШЕВ

Исмим айтди. Юрагимга қаттиқ тегди,
Бир жумла сўз тополмадим сўзларига...
Қараганда қаролмасдан бошим эгдим —
Зилоланинг зилол-зилол кўзларига.

Мен севгини туш бўйига бўйлар эдим,
Фарҳод ишқи эртакда деб ўйлар эдим!
Қараб қолса, айтинг энди нима дедим?..
Зилоланинг зилол-зилол кўзларига!

Оҳу кўзлар кўзга олов ёқар экан,
Олов кўзлар кимга киприк қоқар экан?
Киприги ҳам ҳасад билан боқармикан —
Зилоланинг зилол-зилол кўзларига.

Борай десам, йўлларимдан кетинг, деди.
Бизнинг кўча кенг, айланиб ўтинг, деди.
Лек қарасам, қўлларимдан тутинг, деди...
Зилоланинг зилол-зилол кўзларига.

Санай десам, саноғи йўқ минг оҳларим,
Гуноҳимга қўшилади гуноҳларим —
Бораман деб талпинади нигоҳларим
Зилоланинг зилол-зилол кўзларига...

Наманган

Гўзал МАТЁҚУБОВА

ДУНЁ

Ёшлигим тақдирнинг қўллари билан
Узун сочларимга гул тақиб қўйди.
Ҳар бандига алам наштарин санчган,
Юрагим шу гулнинг ифорин туйди.

Бу гул ўзи мисли лолақизғалдоқ,
Лов-лов ёнар оташ, кўзни олади.
Гоҳи атиргулга айланар зумда,
Сокингина дилга ғулув солади.

Гоҳи бўлар сунбул, гоҳи нилуфар,
Гоҳ садарайҳондек ифор ёяди.
Гоҳи жим-жит қолар, гоҳида эса
Жийда гули бўлар, ҳушим олади.

Дақиқа ичида минг хил тароват,
Ўзни англаб олишнинг ўзи муаммо.
Майли, сочларимга оқ тушсин, фақат
Ҳаётим безаги сўлмасин, ДУНЁ.

ЖИЙДА БОҒИ

Жийда боғи гуллабди, қаранг,
Жимжимадор гуллари майин.
Жийда гули исин совурар,
Шамол сочин силаган сайин.

Жийда боғи гуллабди, қаранг,
Тароватин кўз-кўз қилади.
Ифорини таратар чунон,
Атиргулнинг бағрин тилади.

Жийда боғи гуллабди, қаранг,
Узоқдан ҳам билса бўлади.
Гуллаганда жийда боғлари,
Жаннат гули бошин эгади.

Хоразм

МЕҲР ЭЛЧИСИ...

Мунаввара Юсуповага

Шаҳло ШУКРУЛЛО қизи

Нурли нигоҳ қаршисида
ожиз меҳр ҳам бардам,
Узун мужгонимга субҳидам
тушганда шабнам,
Гул-лоламни қучганда
илк баҳорий ҳуш насим,
Муҳаббатнинг манзилига
бошлайди дилбар санам.

Сиз меҳр элчисисиз,
сиз меҳрибон дилдошим,
Орзум сари кетяпман,
собит эрур бардошим.
Менинг азиз устозимнинг
қалб қасри мўъжазгина,
Сўз билан йўлим нурли,
қуёшга яқин бошим.

КАЛБИМНИНГ БЕЗАГИ...

Юсуф нигоҳлар юракка ўт қўяди,
Оташ давралар севинч солиб суяди,
Андуҳлар қалб ўтида қолиб қуяди,
Дилим гўзал орзуларга тўлган чоғ.

Гулҳаёт саҳналари бунча ярқироқ,
Кўзлар қамашмаслик-чун ҳаёдир маёқ,
Тегмайди шўх йигитлар ташлаган илмоқ,
Қалбим буюк орзулардан безанган чоғ.

Йўлларимга кириб кетар деб ўйлама,
Жаранглари ўткир қўшиқ қуйлама,
Жим, жим! Мен тўғримда ҳеч-ҳеч сўйлама,
Юрак нурли орзуларга чулғанган чоғ.

Бахтли келажак учун оқ йўл очилсин,
Орзуларим ушалсин — олам ёришсин,
Гулларнинг баргларидан ифор сочилсин,
Тароватли қўнгилда боғ яшнаган чоғ.

Қорақалпоғистон

ИМТИҲОН

Хаҳвия

Қишки сессия якунланай деб қолди. Бугун сўнгги имтиҳон. Қўймасов деган домлага топширамиз. Шу домладан бир амаллаб ўтиб олсак, марра бизники. Беш кундан бери бош кўтармай ўқиб ётибмиз. Азбаройи қўрққанимиздан каллага бир нима кирмайди, аксинча, бори ҳам тўзғиб кетган.

Эрталаб факултетга борсам, имтиҳон бошланибди. Эшик олдида қалтираб турган курсдошларимини кўриб мен ҳам аста титрай бошладим.

— Қани Шодиюп, бошла, ахир аълочисан-ку, — деди қизлардан бири курсимизнинг энг маҳмаданасига.

— Ие, нега энди мен кирар эканман, — эътироз билдирди у кутилмаганда. — Ана, Миралийип кирсин, қўлидаги китобларни қаранглар, ҳаммасини сув қилиб ичворганга ўхшайди.

Миралиев мени кўриб қолиб, дарҳол ҳужумга ўтди.

— Азларов турганда менга йўл бўлсин, мен ундан кейин кираман.

Миралиевнинг бу сўзи қизларнинг олдида менга далда бўлди. Ў, дедим ичимда, барибир тан олар экансан-ку. Жуда қитмир бола-да. Бошқа пайтлари ҳеч кимни менсимайди. Гўё ҳамма нарсадан бир ўзи хабардор. Қизларнинг олдида мақтанишни бошласа борми, дод деворгинг келади. Бугун бўлса, эшикнинг олдида сувга тушган мушукдай турибди.

Бошимни мағрур кўтариб, имтиҳон бўлаётган эшик томон юзландим. Қўймасовнинг олдига дадил юриб бордим. Дадил саломлашдим. Домла менга аввалига ажабтовур қараб қўйди, сўнг ўтиришга буюрди.



Учта савол. Қарасам, унча қийин эмас, опқочса бўлади. Кел, шу Миралиевнинг олдида ўзимни бир кўрсатиб қўяй, менинг олдимда бундан кейин оғзини очолмай қолсин, дедим-да, қўлимни кўтариб, тайёрлигимни билдирдим.

Биринчи саволга анча дуруст жавоб қайтардим. Иккинчисини ҳам амалладим. Аммо "Бия сутининг инсон организмига таъсири" деган учинчи, энг осон саволга келганда оғзим қуриб қолса бўладими. Домла ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Худдики менга ёрдамлашадигандай сўраса бўладими:

— Умрингизда бия сути, яъниким қимиз ичганмисиз, ука?

Жон кирди. Дарҳол жавоб қайтардим:

— Домлажон, уйимизда иккита биямиз бор, ҳар куни истеъмол қилиб турамиз.

Тўғрисини айтсам, бу гап хаёлимга қаердан келганини ҳалигача тушунмайман. Чунки умримда қимиз ичган бола эмасман-да. Домла жавобимдан яйраб кетди. Бурнига қўндириб олган кўзойнагини қўлига олар экан, менга нажот кўзи билан қаради.

— Шунақа денг, ё тавба, қимизни ичаверибсизу, хусусиятини унутибсиз-да.

Бу гапдан кейин фикрларимни жамлаб олдим.

— Эҳ, домлажон, қимиздан зўри йўқ, одамни асов отдай қилиб юборади. Минг дардга даво. Иложи бўлса, ичиб туриш керак.

— Иложи бўлармикин?...

Домла бу гапни шундай айтдики, "Ие, нега иложи бўлмас экан, ўзим олиб келиб тураман" деворганимни билмай қолдим.

Хуллас, имтиҳондан ўтиб ташқарига қаҳрамонларча чиқдим. Миралиев бир нима демоқчи бўлганди, ўзим айта қолдим:

— Жавобларимга Қўймасовнинг ўзи ҳам қойил қолди.

Миралиевдан бошқа ҳамма қарсак чалиб юборди.

Кейинги сессиягача домланинг уйига икки-уч марта қимиз олиб келдим. Муносабатимиз яхши. Худди эски қадрдонлардай кўришамиз. Миралиев менинг олдимда чурқ этмайди. Зап иш бўлди-да.

Ҳа-ҳу демай, яна сессия келди. Бозорга бориб, қимиз олмоқчи бўлдим. Аксига олиб ўша куни қимиз озроқ чиққан экан. Идишим ярим ҳам бўлмади. Нима қилиш керак, қуруқ борсам, ваъда қилиб қўйганман, хафа бўлишлари мумкин. Бунинг устига охирги сессия. Ўйлаб-ўйлаб, миямга бир фикр келди. Баъзилар қимизга озроқ сув ҳам қўшишади, деган гапларни эшитганман. Мен ҳам идишни тўлдириб, домланинг уйига олиб бориб бердим. Икки кундан кейин имтиҳон бошланди. Коридорда Миралиевни кўриб қолиб, уни тасодифан туртиб юбордимда эшик олдига яқинлашдим. Биринчи бўлиб кирмоқчи бўлдим. Аммо қарасам, ичкарида ҳеч ким йўқ. Домланинг тоби қочиб қолганмиш.

Бу гапни эшитиб, ичимда бир нима шув этиб кетди. Оҳ, энди нима қиламан. Сув қўшмай, борини олиб келаверсам бўларкан. Мана энди, чувим чиқадиган бўлди.

Домладан уч кунгача дарак бўлмади. Уч кундан бери бошимни кўтармай ўқиб ётибман. Ишқилиб, топшириб олсам бўлди-да.

Абдусалим МАҲМУДОВ

Паркент

Муҳаммад ИБРОҲИМ

* * *

Севги нима —
севги яшамоқ,
Севги нима —
ўлим демакдир.
У бахтларга элтувчи сўқмоқ,
Ёки сўнгги йўлим демакдир.
Севги нима —
ишонч барчага,
У меҳрдан ғуллаётган тош.
Уфқларнинг олис бағрида,
Ўз қонига беланган қуёш.
Шабнамларни ичаркан яроқ,
Тонг ўпганда юз очар ғунча.
Бўсадан сўнг лабдаги титроқ,
Севги мана шундай тушунча.
Севги — Тангри қилган марҳамат,
Мажнун кийган саҳройи кафан.
Севги азоб, севги ширин дард,
Севги нима?
Севги — бу сенсан!

* * *

Баргим билан қалбим силардим,
Ғунчалардан қувонч тилардим,
Тиконларни пардек билардим,
Атиргулга айланиб қолсам.

Не сирлардан бўлардим огоҳ,
Ошиқларга бўлардим гувоҳ,
Қуламасдим ҳеч қачон ногоҳ,
Тунда ойга айланиб қолсам.

Майсаларни севиб қучардим,
Қуёш чиққач, эриб кетардим,
Булутларга сингиб кетардим,
Шабнамларга айланиб қолсам.

Мардлар бўлиб менинг сирдошим,
Чақмоқ бўлар эди йўлдошим,
Совринларга мағрур бу бошим,
Оқ тулпорга айланиб қолсам.

Суяр эдим, суйдирар эдим,
Куяр эдим, куйдирар эдим.
Жўшқин бўлар эди юрагим,
Муҳаббатга айланиб қолсам.

Оқ қоғозга меҳрим тўкардим,
Эзгуликни қуйлаб ўтардим.
Орзуйимга шунда етардим,
Қаламимга айланиб қолсам.

Фарғона

ТОҒ СУЛУВИ

Тоғ бағрида яшил арча,
Ўсиб турар яшнаганча.
Яшил арча, сулув арча,
Айт-чи ўзинг —
Ёшинг қанча?

Тоғ бағрида ёлғиз арча,
Тепасида булут парча.
Имлар мени сулувдайин
Биолмайман —
Ёши қанча?

Мана, келдим ҳузурингга,
Сулув арча, сулув билан,
Аммо дилда хавотиру
Рашк деган бир ғулув билан.

Рашк қилма қўп, жон арчажон,
Жоним садқа сулувимдан,
У ҳам сенга ошиқ асли
Билсанг агар, зимдан-зимдан.

Яшил арча, сулув арча,
Омон бўлсин бошгинанг-ей,
Қулоғимга айта қолгин
Қанча ўзи ёшгинанг-ей...

Гулбой ҲАЗРАТОВ

Зомин

Лобар ПАРДАЕВА

ОРТДА ҚОЛИБ КЕТДИНГ, БОЛАЛИК

Шўхликларим сенда мужассам,
Ўзинг эдинг бир сирли олам.
Армон тилгай юракни бу дам,
Ортда қолиб кетдинг, болалик.

Баҳордайин, селдайин оқиб,
Дилга орзу, ҳаваслар ёқиб.
Соғинч билан олисдан боқиб,
Ортда қолиб кетдинг, болалик.

Беғуборлик жам эди сенда,
Дардга корлик жам эди сенда,
Интизорлик жам эди сенда,
Ортда қолиб кетдинг, болалик.

Қайтолмасман мен сенга сира,
Орзуларим тонгдай бокира,
Энди-чи, сен ёрқин хотира,
Ортда қолиб кетдинг, болалик!



Алишер ИСОҚОВ

ВАТАН

Қанийди, биз лаҳза қошингда туриб,
Сенга атаб кўнгил розин ёзолсам.
Ватаним, бағрингга бошимни қўйиб,
Энг аввал, севинчдан бир йиғлаб олсам.

Сенинг гўзал, обод водийларингга,
Юлдузлар термулиб, энтикар тунда.
Хаёлимда қуёш тонгларни кутиб,
Бир сени соғиниб чиқади кунда.

Не ажаб, қуруқ чўп эксам қўксингга,
Сенинг меҳринг сабаб, қўкка бўй чўзар.
Бағрингда бойликлар бисёр-у, лекин,
Тупроғинг, мен учун ўзи олтин, зар!

Ватаним, улғайдим сенда бахтиёр,
Тинглаб достонларинг, эртакларингни.
Ҳар тонгда, шабнамдай, гар мумкин бўлса,
Қучоқлаб ўпардим, этакларингни.

Ватаним, танҳосан — танҳолар ичра,
Боғларинг жаннатга этурман қиёс.
Қабул эт, бу менинг меҳримдан парча,
Қалбим уммонидан бир томчи, холос.

Йўқ, ҳали тугамас, менинг шеърларим,
Токи, тарк этмаса бу жоним танни.
Оламни ларзага солурман қуйлаб,
Мустақил Ватаним, Ўзбекистонни.

Марғилон

Мен жуда шўх боламан. Мени ҳамма эркалайди. Бувим ҳам, ойим ҳам, тоғаю холаларим ҳам. Фақат дадам эркаламайди. Чунки дадам йўқ-да. Мен эса дадам ҳам эркалашини истайман, тилларим "дада, дада" дегиси келаверади. Кўчада дадасининг бўйнига осилиб, эркаланиб бораётган болаларни кўраман. Эҳ, шунда менинг ҳам дадам бўлишини шундай хоҳлайманки...

Менинг ҳамма нарсам бор. Ойим, бувим, тоғаларим, холаларим олиб беришган. Фақат дадам олиб берган нарсам йўқ. Кўчага чиқсам, ўртоқларим янги кийим кийиб чиқишади. Ким олиб бер-

СОҒИНЧ

Катра

ди. Лекин ойимни хафа қилгим келмади. Ахир ойим ҳам, бувим ҳам, тоға-холаларим ҳам мени хафа бўлмасин, дадасизлиги билинмасин, деб кўп эркалашади.

Йиғиларимни шўхликларимга яширдим.

Бир куни бувим билан кетаётган эдим, ёнимиздан янги "Нексия" машинаси ўтиб қолди. Биламан, ўртоғимнинг дадаси. Бувимга айтдим. Бувим индамади. Шунда беихтиёр, "Менинг дадами десам, "дадам" дейишади.

Бир куни мен уларни алдамоқчи бўлдим. Бувим олиб берган машинани кўрсатиб, "Дадам олиб берди" дедим.

Шунда бир ўртоғим, "Ие, сенинг даданг борми, ахир у ойинг билан ажрашган-ку, ойим шундай деганлар", деди.

Шунда бир йиғлагим келди, "Менинг дадам бор", дегим, ойимга бориб: "Дадамни топиб беринг", деб сўрагим келниям шунақа машинаси бор-а", деб юборибман.

Бувим жавоб бермадилар.

Аламим келди, гапимни яна қайтардим.

Шунда бувим уришиб берди.

— Сенинг даданг борми? Даданг бўлса, сени ташлаб кетармиди?

Яшириб юрган йиғиларимни энди яширолмадим:

— Нега менинг дадам йўқ бўлар экан? Нега ҳамманинг дадаси бор-у, меники йўқ бўлар экан?

Ерга ётиб олиб, ер тепиб тўйиб-тўйиб йиғладим.

Бувим ҳам йиғлади. Мени қучоғига олиб, овозсиз йиғлади.

Бечора бувимга раҳмим келди. Хафа қилгим келмади. Яна йиғиларимни шўхликларимга яширдим. Мен йиғиларимни яшириш учун шўхлик қиламан. Мен дадамни соғинаман, дадамни кўргим келади. Юзларини силаб "Дада, дадажоним", деб эркалангим келади...

Мен жуда шўх боламан...

Нортўра ЭРГАШЕВ

Сурхондарё

Гуллола ТОҒАЕВА

ЮРАК КЕНГЛИГИДА

Баҳор, ҳисларимга кириб келдинг сен,
Юрак кенглигида бир ирмоқ бўлиб,
Ёшлик шижоати сенга бўлди жо,
Мангу оқажаксан шундайин тўлиб.

Баҳор, ҳисларимга кириб келдинг сен,
Юрак кенглигида хуш сабо бўлиб.
Шу майин сабонинг майин сасидай,
Тинмай яйраб турган куй, наво бўлиб.

Баҳор, ҳисларимга кириб келдинг сен,
Юрак кенглигида нур, шуъла бўлиб.
Ўн етти баҳорим, хуш келдинг, юз оч,
Қуёш шуъласида Гуллола бўлиб.

ИЗҲОР

Бардошимни аврайди соғинч,
Ғуруримни овутмоқда ишқ.
Оёғимдан тортқилар туйғу,
Ёлғизликдан совутмоқда ишқ.

Жуда-жуда соғинганим рост,
Лек боришим сўраманг мендан.
Юрагим ҳам сизни дер, фақат
Тан олишни сўраманг мендан...

* * *

Атиргулнинг майда япроғи,
Шаббодада хиром айлади.
Бўсаларга ташна яноғи
Муҳаббатни қалбга жойлади.

Қайларгадир термулиб узоқ,
Сўнг жилмайиб, силкиди бошин.
Лек, негадир хўрсинди, кўпроқ
Яширимади кўздаги ёшин...

Айтмоқ истар борин шивирлаб,
Гулни тинглар булбул бормикан?..
Бир гул дардин тинглай олмаса,
Дунё бағри шунча тормикан?!

Кўзларидан томчилади ёш,
Бу ёшларда жо эди алам.
Маъюс, ғамгин эгилади бош,
Ҳислар сирин ёзолмас қалам...

Марҳабо ИСҲОҚОВА

Жиззах

ХАЙРОНА

Ҳайрон, ҳайрон, ким ҳайрон?
Сен ҳайронсан, мен ҳайрон...
Мен сайёд — етолмаган,
Сен-чи шўх, эрка жайрон!

Ҳайрон, ҳайрон, ким ҳайрон?
Дил ҳайрон-у, тил ҳайрон —
Нажот кутиб мен сендан
Кўчангдаман, ёр, ҳамон.

Ҳайрон, ҳайрон, ким ҳайрон?
Осмон ҳайрон, ер ҳайрон —
Ҳатто ойнинг ҳавасин
Келтирасан сен, жонон.

Ҳайрон, ҳайрон, ким ҳайрон?
Ҳув қирдаги тол ҳайрон —
Турмадик панасида
Билсанг анчадан буён.

Ҳайрон, ҳайрон, ким ҳайрон?
Севги ҳайрон, ишқ ҳайрон.
Ўзинг ҳам ёр, билмайсан,
Ваъдангни бузданг қачон?

Ҳайрон, ҳайрон, ким ҳайрон?
Бир қишлоқ эл, эр ҳайрон —
Келин тинмай хўрсиниб,
Боқиб қўяр қир томон...

Андижон



Шохрух ЖЎРАЕВ

ЖАҲОН БОҒИНИНГ РАНГЛАРИ

Навоий гулшани

Бадиий асарни кўпроқ ёд олиш, хотирада сақлаш анъанаси кенг тарқалган Шарқ адабий ҳаёти шаклланиб келаётган ҳар бир шоирга шеъриятдаги анъаналарни англаб улгуриш имконини берган. Зеро, инсон руҳий оламини, унинг юксак интилишларини англаб етиш истагида яратилган бу шеърият анъанавий образларга бойлиги билан ажралиб туради.

Адабий анъана эса, инсоннинг ўзлигини англаш, ўзини ўраб турган олам билан уйғунлашиш шаклларини излаш йўлида уни чуқур ва образли ўрганиб борувчи жараёндир.

Шарқ адабиётида кенг тарқалган татаббуъ санъати, назира, тазмин, тахмис сингари шеър битиш усуллари ушбу заминда анъана ва ўзига хослик масаласи муайян мақом эгаллаганлигини кўрсатади.

Форсий ва туркий шеъриятда асосий ўрин тутган ғазалларда ҳам тимсолларнинг деярли барчаси анъанавийлик касб этган. *Ошиқ ва ёр, гул ва булбул, парвона ва шамъ, боғу бўстон* кабилар энг кўп қўлланиладиган тимсоллардан. Шоирлар чегараланган имкониятлар — мавжуд анъанавий қолип ва тимсоллар доирасида бетакрор бадиий манзара, лавҳалар яратишни уддалай олганлар. Анъанавийликни сақлаган ҳолда янгилик яратиш Шарқ шеъриятида шоир маҳоратини белгиловчи муҳим мезонлардан ҳисобланган.

Ғазал мазмунини белгилайдиган ёр тавсифи, ошиқнинг шарҳи ҳоли каби ифода усуллари кўпинча табиат манзараси ва унинг ашёлари ифодасини тақозо этади. Буни қайсидир маънода шоирнинг(санъаткорнинг) ташқи олам билан уйғун яшашга бўлган ташналиги — эҳтиёжи деб изоҳлаш ҳам мумкин. Шарқ адабиётида табиат, хусусан, йил фасллари билан уйғун шеърлар яратиш анъана тусини олган ва ҳатто «баҳория», «хазония», «сайфия»(ёз фасли тавсифига бағишланган асарлар) сингари номлар билан аталган шеърлар анчагина.

Табиат манзараларига ҳамоҳанг шеърларга Алишер Навоий ҳам ўз вақтида эътибор қаратган эди. Жумладан, шоир «Мажолис ун-нафоис»да *баҳория* битган бир шоирни эслаб шундай ёзади: «Мавлоно Низом — астрободлиғдур, қасидани яхши айтур, бу матлаъ анингдурким:

Боз гулзори хат аз сабзау
тар пайдо кард,
Кори бўстони жаҳон ранги
дигар пайдо кард».

(Мазмуни: *Гулзор яна янги кўкатлар, сўлим майсалар ундирди, Жаҳон боғининг иши яна бошқа ранг пайдо қилди.*)

Туркий шеъриятда бу каби баҳориёт намуналарини Рабғузий, Хоразмий ижодида учратиш мумкин. Алишер Навоий куллиётида ҳам баҳор тасвири гўзал ифода топган талай ғазаллар мавжуд. Бироқ уларни аввалги баҳориётларга қиёслаб, шу ном билан атаб бўлмайди. Чунки баҳориётда баҳор манзарасини тасвирлашга зўр берилса, Навоий ғазалларида бундай ифодалар инсоннинг инсонлик моҳиятини, тирикликни, ҳаётни, ишқнинг қувончу изтиробларини таниш, ўзликни англаш йўлидаги фалсафий ўй-кечинмалар учун воситага, бадиий заминга айланади. Бу туркум ғазалларда «пейзаж тасвири моҳиятсиз ўз-ўзича ҳодиса эмас, балки у фалсафий, дидактик ёки ижтимоий руҳдаги бирор ғоя, мақсадни ифода этиш учун ўзига хос восита ролини ўйнайди»(Ё.Исҳоқов). Навоий ғазалларида ҳам шундай. Гулда ёр жамоли жилвасини, булбулда ошиқ қиёфасини кўролган шоир табиатнинг бир бўлаги бўла туриб, уни чуқурроқ билишга, у орқали ўз моҳиятини англашга интилади. Янгича оҳанг, ўзига хос услуб воситасида салафлари Ҳофиз Шерозий, Лутфий томонидан тасвирланган манзаралар ифодасидан ижодий фойдаланиб, уларга янги ҳаёт бағишлайди. Жумладан, Лутфий девонида шундай байтларни учратамиз:

Гул қамарингдин ўғурлаб
олди жамол, анинг учун
Шоҳи рабеъ они тикан
дориға ўғритек осар.

Байтнинг мазмуни: *«Гул сенинг ой юзингдан ҳуснни, яъни гўзалликни ўғирлаб олгани учун баҳор ҳукмдори уни худди ўғрини жазолагандек тиканли дорга осди».* Гулнинг тиканли поя устида ўсишига эътибор қаратилган ушбу тасвир Навоий қаламида *ҳусни таълил* санъати воситасида мана бундай жонланган:

Санга тақлид қилмиш гулки,
осиб кўза бўйнидин,
Тикан устига турғузиб
гардун адаб қилмиш.

Байтнинг насрий баёни: *«Гул сенга (ёрга) тақлид қилгани учун фалак уни тарбиялаш ниятида бўйнига кўза осиб, тикан устига турғизиб қўйибди».*

Гуноҳкор — тақлидчини жазолаш Лутфий байтидаги ўғрини жазолаш билан ўхшаш, бироқ уларнинг ҳар бирида ўзига хосликни пайқаш мумкин. Лутфий байтида гуноҳкор *ўғри* бўлса, Навоий *тақлидчининг* жазоланганини таъкидлайди. Жазо берувчи аввалги байтда *шоҳи рабеъ* — баҳор ҳукмдори ифодаси орқали берилса, Навоий тўғридантўғри *гардун* ифодасини қўллайди.

Агар Лутфий ўғрининг жазоси — дорга осилиш эканлигига ишора қилса, Навоий тақлидчини тарбиялашга эътиборни қаратади. Шуларни назарга олсак, Навоий байтидаги ўзига хослик ижтимоий-ахлоқий мулоҳазаларни ҳам четда қолдирмаганлиги сезилади.

Шоир ғазалларида бу тимсоллар теран фалсафий мазмунни ифодаяшда қўл келган. Айниқса, дунёнинг фонийлиги, умрнинг ўткинчилиги борасидаги инсоний афсус-надоматлар табиат ашёлари, кўпинча, гул ва булбул муносабатлари орқали тасвирланади:

Кўп эй гул, урма булбул
жонига бедод хоринким,
Сену мендек гулу булбулни
кўп ўткарди бу бўстон.

Ҳар бир шоирнинг ўзи севиб қўллайдиган тимсоллари бор. Масалан, Ҳофиз *лола, бинафша, хино*, Лутфий *лола, бинафша, савсан, наргис*, Атойи *наргис, савсан* тимсоллари поэтик имкониятларидан унумли фойдаланади. Алишер Навоий ғазалларида *бинафша, лола, занбақ, савсан, наргис, бўстонафрўз, сунбул, настарин, ёсмин* сингари гуллар шеър мазмун-моҳиятини очишда гўзал воситага айланган.

Масалан, бинафша тимсоли Лутфий учун маъшуқа сочи орқали унинг гўзаллигини янада бўрттириб таърифлашга хизмат қилади:

Сочингким, мушк анинг
шармандасидур,
Бинафша бўйни боғлиқ бандасидур.

Бинафшанинг шаклу шамойили ва ранги шоир ижодий ниятининг бадиий инъикоси учун ярайди. Яъни: ёр сочининг хушбўйлиги ва қоралиги олдида мушк шарманда, бинафша — мисоли бўйни боғлиқ қул.

Бинафша билан бирга, хино рангларини дил доғига қиёслаган ҳофиз Шерозий эса ўта таъсирчан байтлар битган:

Шу зулфунг ўлди сабаб,
тушди дилга ҳар неки доғ,
Гўримдан унгуси ўлсам
бинафша бирла хино.

Алишер Навоий ҳам, хусусан, ёрни таъриф-тавсиф этишда бинафшанинг ана шу ҳолати тасвиридан чиройли фойдаланади:

Гар бинафша хаттинга
қуллуқ қилурдин қочмади,
Эл аро невчун эрур
боши қуйи, бўйнида ғул.

Байтнинг шарҳи: *«Сенинг хаттинг олдида бинафша қул бўлишдан қочгани,учун ҳам, уни тутуб олиб, бўйнига занжир солдилар, шу боис ҳам эл орасида боши эгик». Ҳусни таълил* санъатини маҳорат билан қўллаган шоир бинафшанинг айнан шу ҳолатини маъшуқа сочлари васфига боғлаб қуйидагича изоҳлайди:

Зулфунг оллида бинафша
суда кўргач аксини,
Қўймади ёна бошин юқори
қилмоққа уёт.

Демак, поэтик нуқтаи назардан, бинафша бошининг эгиклиги — унинг ёр зулфи олдида бу қадар ожизлигини англаш оқибатида уятдан бош кўтара олмаслигида.

Мумтоз шеъриятда шеърий имкониятнинг кенглиги нуқтаи назаридан *соч* тимсоли ажралиб туради. Сочни *бинафша, мушк, анбар* каби тимсоллар ёрдамида ифодалаш билан бирга, шоирлар *сочнинг* ўзи орқали ҳам кўплаб маъноларни беролганлар. Ўзбек шеъриятида ушбу тимсолнинг тадрижий такомилини кузатиш имкони бор. XIV аср ўзбек шоири Хоразмий «Муҳаббатнома» асарида:

Онингким ол энгинда менг яратди,
Бўйи бирла сочини тенг яратди,—

деб ёзган эди. Навоий нигоҳини ўзига тортган ушбу байтдан мурод эса, маъшуқа тавсифи. Унинг портретини яратмоқчи бўлган шоир ол *энги* — қизил ёноғидаги холни ва сочининг узунлигини эътиборга олади. Тасвиру тасаввурда қийинчилик туғдирмайдиган ушбу қиёсда сочнинг узунлиги унинг маъшуқа бўйига тенглиги ёрдамида ифодаланган. Бироқ бу билан байтни жўн деб ҳам бўлмайди, чунки байтдаги санъатлар китобхон кўз ўнгида анча гўзал бадиий манзарани яратолган. Ушбу байтнинг Навоий эътиборини тортганлиги бежиз эмас.

Навоийга илҳом берган Лутфий ғазалида эса, ҳолат-ҳаракат тасвирга кўчган:

Нозуклик ичра белича
йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб,
белидин ўлтурур қуйи.

Хоразмий байтида сочнинг узунлиги бўйга қиёслаб тасвирланган бўлса, бу ўринда белнинг нозиклиги ва сочнинг узунлигини бир-бирига боғлаб кўрсатади. Байтнинг мазмуни шундай: *«Бел шу қадар нозикки, унинг олдида ўзининг қўполлигидан уялган соч қуйироққа — белдан пастга жойлашган».* Бу унинг узунлигига ишора. Бу қадар жозибадор байтнинг яралиши *ҳусни таълил* ва унинг ҳосил бўлишига кўмак берган *муболаға, тамсил* каби санъатларнинг қўлланилишига ҳам боғлиқдир.

Алишер Навоий эса, сочнинг узунлигини юз тимсолига боғлаб тасвирлайди:

Юзунг висолига
етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни бошдин аёқ
чин ила шикан қилғил.

Ошиқ изтиробларини тасвирлар экан, шоир агар ёр сочларини ўрса, ерда хокисор ётган ошиқ кўнгли унинг зиналарига (сочнинг ўрамлари назарда тутилаяпти) осилиб юзга — висолга эришади. Орифона мазмунда *соч* ва *юз* бошқа маъноларни ҳам англатади. Жумладан, юз — илоҳиёт манбаи, соч эса — дунё ташвишу қувончлари, таайюният олами, ошик(солик) ва ёр(Ҳақ) ўртасидаги парда — тўсиқ маъноларини англатади. Булардан келиб чиқиб, байтнинг ботиний мазмунини шундай тушуниш мумкин: «Ҳақ васлига етишиш иштиёқида ўртанган ошиқнинг кўнгли дунёнинг қувончу ташвишларини англагач, уларни енгиб, ўз ниятига эришади. Аниқроғи, Ҳақни билиш учун у аввал дунёни англайди, кейин у орқали илоҳиёт манбаига қараб йўл олади ва айни шу йўлда дунё ҳою ҳавасларидан воз кечиб, юксакликка кўтарилаверади. Ҳодисадан моҳиятга қараб боради». Бу байт ҳазрат Навоийнинг машҳур «Қаро кўзум...» ғазалидан...

Анъана адабиёт тараққиётининг қудратли омили. Зеро, анъана ўтмиш бадиий тафаккури моҳиятини наслларга янгилаб етказади. Алишер Навоийнинг анъанани давом эттириши, ўзлаштириши масаласига келсак, биз тилга олган тимсолларнинг ўзи шоир қаламида анъананинг янги ва катта ижтимоий-фалсафий фикрларни ифодалашга хизмат қилганини кўрсатади.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,
филология фанлари номзоди

МУҲАББАТ БЎСТОНИ

Таржима — юксак санъат

Дунёни, инсон қалбини, яшамоқ сир-синоатларини англаш, билиш ва ўрганишнинг, саволларга жавоблар излашнинг манбалари борми, деб сўраганларида, бор, булар Калом, Ҳадис ва яна... Рубоий, деган экан бир донишманд.

Истеъдодли адабиётшунос олим, мутаржим Эргаш Очилов таржимасидаги "Муҳаббат тароналари" ("Муҳаббат тароналари", Рубоийлар, форс тилидан Эргаш Очилов таржималари, "Шарқ" нашриёт-матбаа акционерлик компанияси, 2005) тўпламидан ўн бешдан ортиқ буюк рубоийнависларнинг икки минг икки юзга яқин рубоийлари жамланган.

Мазкур китобдаги таржима йўсини рубоийларни форсийдан ўзбекчага шу вақтгача ўгириб келган аксар бошқа мутаржимлар йўсинидан фарқланади. Ушбу таржималарда арузга амал қилинишдан ташқари, академик принцип, илмий ёндашув, рубоийда аслиятга хос бўлган деярли барча бадиий хусусиятларни ўзбек тилида сақлаб қолишга ҳаракат етакчилик қилади.

Маълумки, таржимада бу йўсиннинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлари намоён бўлади. Яхши томони аслиятга тамом яқинлашиб келишида, камчилиги эса, шунга эришаман деб, асарнинг таржима нусхасида кўпдан-кўп форсий-арабий сўз, ибораларнинг сақланиб қолишида. Уларнинг кўплари баъзан изоҳсиз қолади, асарнинг асл маъноси ва тароватини англаш, ҳис этишда қийинчилик туғдиради, изоҳ берилганлари ҳам қабул қилиш жараёнида ўқувчини чалғитиб туради.

Лекин бундан қатъи назар, Абу Абдулло Рудакий-ю Бобо Тоҳир, Абдуҳамид Ғиждувони-ю Умар Хайём, Нажмиддин Кубро-ю Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий-ю Имомиддин Насимий сингари турли услуб ва йўналиш, ҳазаж баҳридаги ахрам ва ахрабнинг йигирмадан ортиқ вазнида яратилган рубоий намуналарини ўзбек тилига ўгиришга жазм этган ва кўплаб ўринларда таржималарнинг гўзал намуналарини яратишга муваффақ бўлган Эргаш Очилов меҳнатини, ҳеч муболағасиз, ижодий жасорат, дегиси келади кишининг.

Шуниси ҳам борки, шарқлик буюк шоирларнинг кўплаб рубоийлари бу таржимонга қадар ҳам ўзбек тилига ўгирилган эди. Бу мутаржимлар ичида Шоислом Шомуҳамедов, Жамол Камол сингари ўз ишининг мана-ман деган нозик билимдонлари бор. Лекин Эргаш Очилов ҳам ҳаваскор таржимон эмас. У бу йўналишда жиддий тадқиқотлар олиб бориш, бир қанча мақола ва рисолалар ёзишдан ташқари, деярли ўн беш йилдан буён эълон қилиб келаётган рубоий таржималари орқали муваффақиятларини намойиш қила олди. Шундай экан, "Муҳаббат тароналари"даги таржималарда янги авлод вакилининг ўз устозлари билан ўзига хос тарздаги ижодий мусобақаси ва мубоҳасаси ҳам намоён бўлади. Бу жараёнда Эргаш Очилов ўзининг устозларга муносиб эканини, уларнинг анъаналарини давом эттириш билангина кифояланиб қолмай, дадил ривожлантираётгани ва бойита олаётганини ҳам кўрсатади.

"Муҳаббат тароналари" китобининг яна бир ўзига хос фазилати бор. Маълумки, аксар рубоийлар тасаввуфий ғоялар билан суғорилган, тасаввуфий образлар, истилоҳлар билан безалган ва зийнатланган бўладики, муайян тайёргарлиги бўлмаган киши учун бундай асарларнинг маъно-моҳиятини илғаб олиш қийин кечади. Шу боис, таржимон китобнинг кўпдан-кўп саҳифаларида рубоийлардаги истилоҳ, образ, бадиий санъат ва ҳоказоларга қисқа-қисқа теран ва чуқур илмий изоҳлар, тушунтиришлар беради. Бу ҳол ушбу китобни рубоийларнинг ўзбек тилидаги энг пухта нашрлар даражасига кўтарган.

Китобда ҳар бир шоир рубоийларига ўтишдан олдин мухтасаргина маълумот берилганини ҳам қутламоқ лозим. Булар ҳам, шунчаки маълумотномалар, энциклопедик эътирофлар ҳам эмас, балки жаззжигина, ўйчан, мустақил, янги қарашлар билан тўйинган мақолалардир.

Гар бир кишидан дилда шикоят бўлғай,
Дил оғриғи ундан беиҳоят бўлғай,
Ҳеч ўйлама интиқом олишни, чунки
Ёмонга ёмонлик кифоят бўлғай.

(Абдуҳамид Ғиждувоний)

Бор гарчи қулоғимиз — балиқдек кармиз,
Кўзимиз очиғ-у, кўрдан баттармиз,
Бас, уйқу-ю бедорлигимиз бир хилдир,
Сувратни севиб, моҳият истармиз.

(Абулвафо Хоразмий)

Тўпламдаги икки мингдан ортиқ рубоийлар ичида бундай гўзал таржималар бисёрдир. Таржимадаги аниқлик, тиниқлик, бадиий гўзаллик туфайли бу асарлар таржима эмас, бамисоли аслият — ўзбек тилининг ўзида яратилгандек таассурот қолдиради.

Бундан ташқари, таржимон айрим мисралардаги образлилик, бадиийликни гўзал тарзда сақлаб қолишга ва ихчам, ёрқин ифодалашга эришганки, уларни ўқиб, қалбингизга нур эмгандек бўлади. Мана биргина Бобо Тоҳир дубандларидан айрим мисоллар: "Бу кўзлар май тўла икки пиёла", "Баҳорим бехазон сен бирла жонон", "Туним қора, куним ундан баттардир", "Аё дард, бир ўзинг келсанг на бўлғай", "Дилимдан бор гўзаллар бир бўлиб ҳам, Сенинг ёдингни ўғирлаб кетолмас" ва ҳоказо. Бундай таржималарни қуйма таржималар, деб аташ мумкин.

Лекин таржималарда айрим бирёқламалик ва қусурлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Ана шундай камчиликлардан бири, назаримизда, баъзан керагидан ортиқ даражада ва ҳатто зарур бўлмаган ўринларда ҳам форсигўйликни сақлаб қолишга уринишда кўринади.

Эй, ёр, нима гап, замона фосид бўлди,
Ул кайфу сафо бозори косид бўлди,
Қилмасди бировга ҳасад — энди эса,
Макр ила ҳасад қилди-ю хосид бўлди.

Таржимон қофиядаги ҳар уч сўзга тушунтириш беради-да, бу билан асарнинг таъсир кучига путур етказади. Баъзан биргина рубоийдаги уч, тўрт, беш ва ҳатто, олтита форсий, арабий сўзларга шарҳ, изоҳ берилган ҳолларга ҳам дуч келамиз.

Тўғри, айрим рубоийлардаги баъзи сўз, ибора, тушунча, тарихий номларга изоҳ бермасликнинг иложи йўқ, уларни шеър матнида таржима орқали бериб бўлмайди. Лекин баъзан ўзбек тилига ҳанчагина сингишиб кетган, кўпчилик қийналмай тушуна оладиган ибора ва сўзларга ҳам изоҳ бериш ҳоллари учрайди. Баъзан эса, ўзбекча муқобили бўлган сўзлар ҳам форсийда берилади. Масалан, Бобо Тоҳирнинг бир байти қуйидагича ўгирилган:

Ғаминг дарёсига дил ботди кетди,
Фироқинг доғи бағрим реш-реш этди.

Фикримизча, ўзбек ўқувчисига тушуниш осон бўлиши учун "реш-реш" жуфт сўзи "чок-чок" сифатида берилиши ҳам мумкин эди.

Эргаш Очиловнинг ўзи эътироф этганидек, "бу таржималар диди баланд ўқувчилар эҳтиёжини ҳисобга олиб амалга оширилган". Бу тушунарли, аслиятдаги бадиий асар ҳам, таржима ҳам диди қуйироқ даражадаги оддий китобхонга мослашиши керак эмас, аксинча, бу дидни юксак савияли асар таъсирида янада юқорироққа кўтариши керак. Бироқ, бундан қатъи назар, шу талабни сақлаган ҳолда, кенг китобхонлар қалбига етиб бориш масаласи бадиий асар учун муҳимдир. Таржима асари ҳам, шу жумладан, ўқилиши ниҳоятда мушкул бўлган рубоий ҳам бундан мустасно эмас.

Тўпламнинг келгуси нашрларида таржимон, балки бу мулоҳазаларни эътиборга олар.

Жамол Камол, Матназар Абдулҳаким каби ҳассос шоирларимизнинг гўзал таржималарида ҳам қайта бўй кўрсатган рубоийни форсийдан арузда ўгириш санъати Эргаш Очилов меҳнатлари мисолида энди мустаҳкам оёққа турди, дейиш мумкин. Бу ишни сўнгги босқич таржима ишимиздаги жиддий муваффақиятлардан бири сифатида баҳолаб, эришилган ютуқ билан мутаржимни ҳам, шеърият ихлосмандларини ҳам табриклаймиз.

Бахтиёр НАЗАРОВ

МАНГУ БЕДОРЛИК СИРИ

Тақриз

Адабиётшунос, филология фанлари доктори Илҳом Ғаниевнинг "Достоевскийни тушуниш ёки мангу бедорлик сири" ("Фан", 2006) рисоласида бир миллат, бир қитъа ёки ҳатто бир аср миқёсида эмас, балки жаҳон миқёсида улкан аҳамиятга эга бўлган, бутун инсониятни кўзда тутиб ижод қилган ва заковати умумбашарий муаммолар тадқиқига қаратилган мутафаккир адиб ҳақида фикр юритилади. Адабиётшунос Достоевский ёрдамида борлиқни, тирикликни, инсон ва унинг руҳини, кишилик жамиятини яхлит ҳолда идрок этишга интилади.

Рисола дабдурустдан, кутилмаган тарзда XX аср башарият олдига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янги, мушкул муаммоларни қўйгани, инсоният негадир бу муаммолар инъикоси ва ҳаттоки ечимини Достоевскийнинг сирли оламидан излагани, бу санъаткор умри давомида бахтли одамлар ҳақида ёзмагани, лекин одамзод бахтли яшаши керак, деб ҳукм чиқаргани ва инсон қалбининг дунёдан кўра кенгроқ, ранг-барангроқ ва минг чандон мураккаброқ эканлигини исботлагани ҳақидаги мулоҳазалар билан бошланади.

Бу мулоҳазалар шунчаки кучли таассурот изҳорими? Йўқ. Булар Достоевский оламидаги қандайдир бир воқеа, ҳодиса, шахс ёки предмет ҳақидаги эмас, балки шу яхлит оламнинг ўзи ҳақидаги ҳукмини илғашга интилаётган фикрнинг пиллапоялари. Хулосавий фикр оддий ва айни замонда унча ҳам оддий эмас. Уни китобдаги ифодалардан фойдаланиб баён этишга ҳаракат қилайлик: Достоевский сиздан олислагани сайин сизга ях парчаси бўлиб туюлган, аслида эса анчайин бир қоя билан салобат талаша оладиган муз тоғига (айсбергга) ўриласиз. "Шунда англайсизки, бу олам мутлақо бошқача: сирли ва сеҳрли, салобатли ва қўрқинчлидир".

Гўё оддийдек. Лекин аслида оламнинг сирлилигини чинакамига идрок этиш учун юзини занг босмаган заковат, унинг сеҳрию салобатини ҳис этиш учун уйғоқ бир қалб ва кенг нигоҳ, унинг қўрқинчли ва мудҳиш моҳиятини ошкора эътироф этиш учун қанчадир жасорат керак эмасми?!.

Муаллиф Достоевский "қаҳрамонларининг давр чизиқларини, тартиботларию муҳитини инкор этиши билан ҳур ва гўзал" эканлиги ҳақида ғапиради. Сўнг хаёлдан сўз очилади. Хаёл, бу — шунчаки хомхаёл эмас. Бу — реал куч. Инсон энг ночор, энг ёлғиз аҳволда қолганида, хаёл унга энг содиқ йўлдош, энг ишончли мададкор бўлиши мумкин. Бу Достоевский асарлари муносабати билан айтилган, лекин, энг муҳими, ҳис этиб, англаб айтилган фикр. Авом фикри билан яшайдиган одам бу фикрни бу қадар дадил айтолмайди.

Достоевский ва XX асрнинг фикрий изланишлари, "Жиноят ва жазо"даги айрим мудҳиш саҳналар, замонанинг инкори ва унинг келажак билан алоқаси ҳақидаги бир қадар кутилмаган мулоҳазалардан кейин, худди олдингидек, кутилмаганда муаллиф бу рисолани ёзишдан кўзлаган мақсади ҳақида сўз очади: "Мен Достоевскийни ўз ақл-идроким, фаҳм-фаросатим, хаёлим кучи етгунчалик ҳис этиб тушунаман, талқин қиламан. Бу қарашлар мутлақо шахсий талқин оқибатидир. Ёзувчи асарларини бирма-бир, образма-образ, ғояма-ғоя таҳлилу талқин этиш менинг мақсадим эмас. Менинг орзу-ҳавасим бир образ — Расколников шахси кўзгусида Достоевскийни тушуниш".

Одатда илмий иш муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсади баёнидан бошланади. Бу рисолада учинчи фасл деярли туғаб, тўртинчи фасл бошланаман деб турганда биз муаллифнинг ишдан кўзлаган мақсади билан танишамиз. Лекин айнан шундай бошлаш ва мақсадни айнан шу жойда айтиш бу китобда ниҳоятда табиий чиққан. Бу асарни ғайриодатий адабиётшунослик намунаси деганимизнинг бир кичик белгиси эмасми!

Муаллиф Достоевский ҳақидаги ишлардан кўп нарсани топганини, лекин уларда фақат бир нарса — ўша асарларга нисбатан ўз муҳаббати, ўз ҳайрати, айнан ўзи излаган янги ранг, туйғу, фикр, образ, фалсафани тополмаслигини айтиб ўтган. Бу эса уйғонган, ўз руҳий оламининг бетакрорлигини англаб етган шахсдан нишонадир.

Навбатдаги фаслнинг номи ҳам ғалати(яхши маънода ғалати): "Шодликдан ғам гўзалдир". Бизнинг кўпчилик билан муносабатда ошкор этиладиган силлиқ тасаввурларимизга сиғмайдиган гап. Лекин Достоевский бошлаган салиб юришлари айнан шундай тасаввурларга қарши қаратилган: "Достоевский бизни кўпам шодлик кўчаларига етакламайди. Ғам ичидан ғам, ҳасрат ичидан ҳасрат, алам ичидан алам топиб, чигал давраларга шафқатсизларча олиб кираверади".

Бу алам ва изтироблар: 1) оломондан ажралиб, дунёга ўз кўзи билан боқишга ўргатади; 2) қалбда фақат ҳамма қатори эмас, балки гўзал, улуғвор яшаш ғамини уйғотади; 3) энг улуғ шахсларни ҳам, бир-биридан абадий юз ўгирмоқчи бўлганларни ҳам, шайтон йўлдан оздирганларни ҳам бирлаштиради.

Парадоксал ҳақиқат! Одатий қолипларга сиғмайдиган ҳақиқат!

Адабиётшунос Расколников дунёсига бир шўнғиб чиқиб, сўнг уни ўраб турган моҳитга — Разумихин, Лужин, Порфирий Петрович каби қаҳрамонлар дунёсига ўтади. Дарвоқе, Порфирий Петрович! Гениал изтопар! Кампирни ва унинг жияни Лизаветани гумонсиралган аллақандай кишилар эмас, айнан Расколников ўлдирганлигини воқеалар оқимидан келиб чиқиб аниқ ва бехато илғай олган шахс. Бу қаҳрамон таҳлили орқали гап айланиб яна ўша бош масала, фокуслар фокуси — Расколниковга келиб тақалади.

Расколниковнинг қотилликдан кейинги ҳалокат қадар оғир изтиробларида кўпчилик фақат виждон азобларини, қон васвасаларини кўриши мумкин. Илҳом Ғаниев бу фожианинг иккинчи томонига ҳам жиддий эътибор қаратади. Бу — мағлубият азоби, саробга айланган режалар, ҳаёт кунпаякун қилиб ташлаган ғоялар, Наполеон туғул, унинг урвоғи ҳам бўлолмаганлик фожиаси... Фожианинг бу қирраси, эҳтимолки, олдингисидан ҳам муҳимроқ эди. Шунинг учун ҳам: "Расколников ўз жиноятига қанчалар иқрор бўлиб, керакли идораларга ўз оёғи билан боришга ахд қилмасин, масала биз тасаввур қилгандан кўра мусибатлироқ эди", деганида адабиётшунос ҳақ, албатта.

Мен бу китобда адабиётгагина эмас, адабиёт орқали ҳаётга, инсонга нисбатан биз учун одатий бўлиб келганидан кўра кенгроқ, диалектикроқ муносабатни кўрдим. Буни рисоланинг бутун руҳидагина эмас, конкрет мулоҳазаларда ҳам кўриш мумкин. Масалан: "Хулоса қилишга шошилмайлик. Бизнинг энг аянчли феъларимиз, аъмолимиз ҳамма нарсадан дарров ҳукм, хулоса ахтариш"; "Ўз ҳолингча ҳеч қачон, ҳеч қаерда яшай олмайсан"...

Китобда имловий ва ишоравий хатолар анча кўп, улар гуруч ичидан чиққан курмакдек бот-бот тишга тегади. Услуб ўзига хос, ички бир туғёнга эга, лекин унда ҳали қиёмига етмаган ўринлар бор. Рисолада Достоевский асарларидаги кўп ўринларга, бошқа улуғларнинг ҳам айрим фикрларига мурожаат этилган, лекин уларнинг манбалари кўрсатилмаган. Лекин...

Асар менда яхши таассурот қолдиргани учун бу тақризни ана шу қувончим, эътирофим билан ўртоқлашиш мақсадида ёздим. Энг муҳими шуки, бу янги китоб жиддий мулоҳазалар юритишга арзийди!

Мирзаахмад ОЛИМОВ

Доимий ҳамфикр

Яқинда "Истиқлол" нашриёти томонидан "Замонавий турк шеърияти" (кичик антология) номли тўплам чоп этилди. Ушбу кичик антологиядан замонавий турк шеъриятининг Нозим Ҳикмат, Нажиб Фозил Қисакурак, Жоҳид Ситқи Таранжи, Ўрхон Вели Қоник, Фозил Ҳусни Доғларжа, Атилла Илҳан Мовий, Жамол Сурайё, Сезам Карокоч, Жоҳид Зариф ўғли ва Исмат Ўзал сингари номояндалари ижодидан сара намуналар ўрин олган. Шунингдек, тўпламда ҳар бир шоир ҳаёти ва ижодининг муҳим қирралари, шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мухтасар маълумот берилган.

Китобга ёзган сўзбошида филология фанлари доктори Нурбой Жабборовнинг таъкидлашича, таржимон Абдулатиф Абдуллаевнинг "Сўз нафосатини нозик ҳис қила билиши, университетдаги устозлардан олинган сабоқларни пухта ўзлаштиргани таржиманинг муваффақиятини таъминлаган муҳим омиллардандир".

Мазкур тўпламдан жой олган замонавий турк шеърияти намуналари кўнгилларга ёниб яшаш туйғусини сингдириши билан ҳам қадрлидир. Нашрга Азиз Саид муҳаррирлик қилган.

"ЁШЛИК" журнали, 2006 йил 3-сон

Бу йил мамлакатимиз ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинар-кенгаши ташкил этилганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан "Ёшлик" журнали учинчи сони, асосан, Зомин анжумани иштирокчиларининг ижодий изланишларини ёритишга бағишланган. "Зомин семинарининг йўлга қўйилиши ҳам, ўйлайманки, истиқлолимиз, эркинлигимиз, ҳурлигимизнинг белгиси. Айни пайтда, мустақиллигимиз имкон берган, биз фахрлансак бўладиган улкан байрамдир", деб ёзади Зомин туман ҳокими С.Сувонқулов.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповнинг "Ёшлар — бизнинг қанотларимиз" сарлавҳали мақоласида адабий ахлоқ мезонлари ҳақида куюниб айтилган ҳаққоний фикрлар ёш қаламкашларнинг қулоғига етиб боради ва улар бундан ўзларига фойдали хулосалар чиқариб олади, деб умид қиламиз. Шунингдек, таниқли шоирлар Ж.Жабборов, А.Суюн, М.Мирзо, У.Азимова, М.Тоирнинг Зомин анжумани ҳақидаги дил сўзлари ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Журналнинг мазкур сонида ёзувчилар Александр Махнёвнинг "Тошкент қасидаси" қиссасини, Абулқосим Мамарасуловнинг "Арабча ўйин" ҳамда Меҳриносо Абдурахмонованинг "Қизил олма" ҳикояларини ўқийсиз.

Шеъриятимизнинг навқирон авлод вакиллари Хосият Рустамова, Ориф Тўхташ, Гулжамол Асқарова, Неъмат Ҳайрат, Адиба Умирова каби шоирларнинг янги шеърий туркумлари жозибаси, ранг-баранглиги билан сизни мамнун этади, деган умиддамиз.

Таниқли ижодкор Туроб Мақсуднинг "Ит қопган одам" комедиясида турмуш муаммолари қаламга олинган бўлиб, бу асар сизга завқ-шавқ улашади. Олий Адабиёт курси тингловчилари Зуҳра Мамадалиеванинг "Она", Аҳтамқул Каримнинг "Ўлжа" ҳикоялари ҳам журналнинг ушбу сонида эълон қилинган. Шу билан бирга, мазкур сонда сиз ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий мавзулардаги мақолалар билан танишасиз.

"Энг улуғ, энг азиз"танловига

"ШОҲИ ЗИНДА": ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ТАРИХ

"Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир". Президентимиз самарқандликлар билан учрашувлардан бирида шаҳарга ана шундай таъриф берганди. Ҳақиқатан ҳам, бу шаҳарнинг тарихи олис қадимият билан боғлиқ. Тарихда Афросиёб, Смараканса, Мароканд, Самарқанд каби турли номлар билан аталган шаҳарнинг илк шаклланиш даври эрамиздан олдинги VIII-VII асрларда бошланган. Кейинги йилларда ўзбек ва француз археологларининг биргаликда олиб борган тадқиқотлари натижасида Афросиёб харобалари остидан яна бир кўҳна шаҳар қолдиқлари, осори-атиқалари топилди ва унинг ёши янада улғайиб, шаҳар ўтмиши саҳифалари кенгайди. Аҳамонийлар, юнонлар, араблар, мўғуллар ва бошқаларнинг босқинчилик урушлари натижасида неча бор бузилиб вайрон қилинган шаҳар халқимизнинг бунёдкорлик кучи билан ҳар гал қайтадан тикланиб, обод ва гўзал масканга айлантирилган.

Албатта, Самарқанднинг улуғвор тарихини намоён этувчи ўзига хос кўзгуларидан бири — унинг бетакрор меъморий ёдгорликларидир.

— Бу ёдгорликлар Самарқанд нафақат Ўрта Осиёда, балки дунё миқёсида шаҳарсозлик илк бор шаклланган масканлардан эканлигининг далолатидир, — дейди тарих фанлари доктори Темур Ширинов. — 220 гектар майдонни эгаллаган Афросиёб харобалари бу жой маҳаллалар, бозорлар, хунармандлар устахоналари, ибодатхоналар, саройлардан иборат катта шаҳар бўлганини тасдиқлайди.



Шуни айтиш керакки, бу харобалар остидан қадимий бинолар қолдиқлари ҳам топилди. Албатта, бундай катта шаҳарлар йўқ жойдан бирданига пайдо бўлмайди. Демак, қадимшунослар гувоҳлик бераётганидек, Афросиёб остидаги харобалар ўрнида яна бошқа бир шаҳар бўлган. Умуман, Самарқанд остида шаҳарлар ва тарих қаватма-қават кўмилиб ётибди. Бу унинг ўтмиши янада улуғворлигини кўрсатади.

Самарқанднинг шарафли ўтмишини намоён этувчи ҳақиқатлардан яна бири бу ерда давлатчиликнинг ниҳоятда эрта шаклланганлигидир. Афросиёбда ва Самарқандга яқин Кўктепа ёдгорликларида олиб борилган қазишма ишлари натижасида ҳокимларнинг арки-аълолари, ибодатхоналар, қасрлар очилди, ҳукмдорларнинг муҳрлари ва туғлари топилди. Шунингдек, бу ердан топилган суғдийларга оид илк ёзувларда ҳокимиятни бошқариш тизимига оид маълумотлар ҳам учрайди. Буларнинг бари ушбу шаҳарлар ҳукмдорлар томонидан бошқарилганини, ушбу масканларда шаҳар давлатлари мавжуд бўлганини билдиради. Демак, 2,5-3 минг йил илгари бу ерларда дунё миқёсида илк давлатлардан бири шаклланган. Давлатчиликнинг шаклланиши эса бу ҳудудда яшаган халқнинг тараққиёт аъмоллари нақадар юксак бўлганини билдиради.

Афросиёбдан ихшидийлар саройига оид қадимий рангли деворий суратларнинг топилгани кўпчиликка маълум. Бу деворий суратда Самарқанд ҳукмдорлари ҳузурига турли мамлакатлардан — Чағониён, Шош, Тохаристон, Чин, Ҳиндистондан элчилар келаётгани тасвирланган.

— Элчилар биринг этагига унинг Самарқандга келиши сабаби ёзилган, — дейди тарих фанлари доктори Мирсодиқ Исҳоқов. — Бу сўзлар суғдийдан таржима қилинганда "Менким фалон ҳукмдорнинг вакили Самарқандга дўстона муносабат билан ҳамкорлик ўрнатиш учун тинчлик истаб келдим", деган маънони билдиради. Демак, бу тарихий сурат бизга яна бир ҳақиқатни англатади. Афросиёб, Самарқанд қадим-қадимдан дунёда тинчлик, осойишталик шаҳри сифатида донг таратган. Дунё ҳукмдорлари бу шаҳарга тинчлик, ҳамкорлик борасида сулҳ тузиш учун ташриф буюрганлар. Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши учун муҳим омиллардан бири ҳам шу бўлган.

Самарқандда ҳунармандчилик ва шаҳарсозликнинг ривожланиши, хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ, ҳамкорликнинг кучайиши, илм-маърифатнинг юксак даражада тараққий этиши инсоният цивилизациясига катта таъсир кўрсатган. Бу жойда дунёвий ва руҳоний илму фан, адабиёт, санъат тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган азиз авлиё ва алломалар — Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Абдулло Рудакий, Истахрий, Абу Мансур ал-Саолибий, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Маҳдуми Аъзам, Умар Ҳайём, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотуридий, Абдурраҳмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий, Мавлоно Лутфий, Хўжа Аҳрори Вали каби улуғ зотлар фаолият юритганлар. Мирзо Улуғбек томонидан яратилган расадхона ва у асос солган Самарқанд академияси илмий ғоялари фанда ҳамон қўлланиб, башарият тараққиётига хизмат қилмоқда.

Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд дунёнинг илм-фан марказига айланди. Ўрта Осиё ва Шарқ шаҳарсозлигининг барча нодир хусусиятлари унинг меъморчилигида намоён бўлди.

Кўп асрлар илгари Самарқандда бўлган тарихчи Ибн Ҳавқал "Юксак жойдан туриб қарасангиз Самарқанд гўзал иморатлари, ғаройиб боғлари, бетимсол қўрғонлари билан одамни ҳайратга солади", деб ёзса, Ибн Баттута "Дунёда Самарқанд каби ҳавоси мусаффо, осмони мовий, замини кўмкўк, суви зилол, жаннатмонанд шаҳарни кўрмадим", дея таъриф этади. Шаҳардаги нодир ёдгорликлар аждодларимиз яратган бойликлардир. Бу меросни нафақат асраб-авайлаш, балки ўтмиш бўҳронларида ярим вайрона ҳолга тушганларини қайта тиклаш ва ободонлаштириш ҳам бугуни авлодларнинг вазифасидир. Президентимиз ана шу хайрли ишларнинг бош ташаббускори бўлди. Самарқандда бунёдкорлик ва қайта қуриш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Энг аввало, Самарқанднинг тарихий жойларини шаҳарнинг қиёфасига мос равишда қайта тиклаш масаласи қўйилди. Табиийки, шаҳарнинг замонавий қиёфасини тарих билан уйғунликда сақлаш жуда мураккаб жараён. Бу борада ҳам ўзига хос йўл тутилди. Кўҳна обидаларни қайта тиклашда чуқур илмийлик ва тарихийлик концепциясига амал қилинди. Ҳар бир ёдгорликни асл ҳолида тиклаш, тарихийликка эътибор бериш асосий мақсад қилиб қўйилди. Натижада Регистон ёдгорлик мажмуаси, Чорсу архитектура ансамбли, Хўжа Аҳрори Вали мемориал комплекси, Амир Темур Жоме масжиди ва Бибихоним мақбараси, Гўри Амир ёдгорликлари, Улуғбек расадхонаси, Нодир Девонбеги мадрасаси ва бошқа кўплаб қадимий обидалар ана шу асосда қайта тикланиб, таъмирланди.

2004 йилнинг 16 июлида Вазирлар Маҳкамасининг "Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ноёб тарихий-меъморий иншоотлар ва табаррук қадамжо ҳисобланган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш қарор асосида тузилган жамғарманинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланди. Қарор чиққан куннинг эртасигаёқ Президентимиз Самарқандга ташриф буюриб, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари кўламини тушунтириб берди. Маълумки, Афросиёб Самарқанднинг қадимий масканларидан бири. Ана шу масканнинг энг олис тарихга дахлдор қисмларидан бири Шоҳи Зинда́дир. У 22 гектар майдонни эгаллайди. Машҳур фиқҳшунос аллома Утбий "Саҳиҳи Бухорий шаҳри", тарихчи Абу Абдулло "Тарихи Нишопур" асарларида бу ерда қадимда Бану ножия номли қабристон бўлганлиги, кейинчалик унга Қусам ибн Аббос майити кўмилгани ҳақида маълумот берадилар. IX-XII асрларда тарихчилар Ибн Ҳавқал, Саолибий, Ёқут Ҳамавий, Истаҳрий ўз асарларида бу ерда қабристон ва Қусам ибн Аббос қабридан бошқа масжидлар, мадрасалар барпо этилганлиги хусусида ёзадилар. Лекин урушлар натижасида уларнинг аксарияти бузилиб кетган. XIV-XVI асрларда, Амир Темур ва темурийлар даврига келиб Шоҳи Зинда ниҳоятда обод ва маҳобатли масканга айланди. Абу Тоҳир хожа Самарқандий "Самария" асарида бу ҳақда шундай маълумот беради: "Амир Темур Кўрагоннинг подшолиги вақтида ушбу мозор иморат қилиниб, турли безаклар билан безатилди. Унинг хотун ва сингилларидан бир нечаси ва баъзи амирлар унга ўринлар белгилаб, ўзлари учун турбатлар ва даҳмалар ясатиб, уларнинг устига буюкбуюк бинолар солдиргандирлар. Ложувард тусли фалак дунё юзига томоша кўзини очгандан бери бунга ўхшаш гўзал ва безакли иморатлар кўрмаган".

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси Самарқанд тарихининг муҳим бир қисми. У шаҳарнинг милодий асрнинг бошларидан то XVII асрга қадар кечмишини акс эттиради. Бу ерда салкам 20 асрлик тарих мужассам. Аммо шундай бой тарихга эга ёдгорликлар кейинги 500-600 йил давомида эътибордан четда қолганди. Натижада уларнинг аксарияти бузилиб, вайрона ҳолга келди. XIX аср охири, XX аср бошларида тасвирга олинган ва бугунги кунгача сақланиб қолган тарихий суратларга назар ташласангиз, аждодларимизда мерос бу обидалар ниҳоятда аянчли аҳволдалигини кўриб қалбингиз ларзага тушади. Айниқса, Шўролар даврида Шоҳи Зиндадаги мақбаралар, масжидлар мой-ёқилғи, минерал ўғитлар, машина-тракторларнинг эҳтиёт қисмлари сақланадиган омборларга, савдо-сотиқ базаларига айлантирилиб, хароба ҳолга келганлигини кўриб юрагингиз ачишади. Бундан 15-20 йил илгари Шоҳи Зинда ёдгорлигига кириладиган дарвозахона остидан катта йўл ўтарди. "Катта юк машиналарининг қатнаши натижасида обидаларга зиён етганди, уларнинг кўп қисмлари дарз кетганди", дейди техника фанлари доктори Собиржон Бобоев. "Шоҳи Зиндада кейинги юз йилдан ошиқ вақт мобайнида сувлардан ҳимояланиш воситаси бўлмаган. XIV-XV асрларда барпо этилган қувурлар ишдан чиққан. Бу эса иморатлар остидаги тупроқ қатламининг чўкишига олиб келган. Буларнинг ҳаммаси Шоҳи Зиндада жиддий равишда қайта тиклаш, таъмирлаш ишларини олиб боришни заруратга айлантирди", — дейди олим Ҳаёт Расулов.

Шоҳи Зинда тарихий ёдгорликларга бой маскан бўгани учун уни кўриш ва зиёрат қилиш учун нафақат юртимиздан, балки хорижий ўлкалардан ҳам сайёҳлар кўп келади. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу тарихий мажмуада қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришни давлат аҳамиятидаги муҳим вазифа, деб белгилади.

Ёдгорликни қайта тиклаш ва таъмирлашда фақат усталар эмас, олимлар, муҳандислар, меъморлар, археологлар, тарихчилар, диний идораларнинг вакиллари, ободонлаштириш ва коммунал хизмат ташкилотлари ходимлари ҳам қатнашдилар. Барча ишлар илмий лойиҳа ва муайян концепция асосида олиб борилди.

Мажмуа ҳам бўйига, ҳам энига ортиқча тупроқлардан тозаланди. У икки томондан ҳам энига кенгайди. Ёдгорликлар билан қабристон ўртасида ҳимоя деворлари қурилди. Мақбаралар, масжидларнинг пойдеворлари мустаҳкам асосда тикланди. Мажмуа тўла даражада ер ости сизот ва ёмғир сувларидан ҳимояланди. Шоҳи Зиндага кириш дарвозаси олдидаги йўл олиниб, гулзор ва хиёбонга айлантирилди.

Мажмуага кираверишдаги арк-айвон пештоқи қаршисида қазиш ишлари қизғин бораётган пайтда экскаваторнинг қураги қаттиқ нарсага урилди. Археологлар бу жойдан узоқ вақт йўл остида қолиб кетган XVI асрга мансуб ҳаммомнинг бир қисмини топдилар. Сув ситиладиган катта-катта ҳумлар, ювиниш хоналари, ўчоқлар, тош йўлаклар асл ҳолида сақланиб қолган. Ушбу ёдгорлик бор ҳолича муҳофазага олинди. Бу ерда ҳаммомнинг бўлиши бежиз эмас. Аждодларимиз Шоҳи Зиндага — қабристонга киришда покланиб, ўтганларнинг руҳини эъзозлаганлар.

— Қайта тиклаш жараёнида бундай археологик ёдгорликлар кўплаб топилди, — дейди археолог Анвар Отахўжаев. — Мажмуанинг ўрта қисмидаги саккиз қиррали мақбара билан Қусам ибн Аббос мақбараси оралиғида илгари тупроқ уюмидан иборат яланглик бор эди. Бу тупроқ уюми олиб ташлангандан кейин катта масжид ўрни, мақбаралар остки қисмлари, ўймакор қабрлар ва бошқа иншоотларнинг қолдиқлари топилди. Бу ёдгорликларни қадимшуносларимиз XIII-XIV асрларга оид деб ҳисобламоқдалар. Худди ана шундай иншоотлар чилзинанинг кунчиқар томонидаги тепалик остидан ҳам чиқди.

Мажмуани таъмирлаш натижасида кўплаб тарихий маълумотларга ҳам аниқлик киритилди. Авваллари алломалар, улуғ шахсларга алоқадор деб ҳисобланган баъзи мақбараларга аёллар кўмилгани, номаълум қабрлар кимларга тегишли эканлиги аниқланди. Мақбаралар остидаги қабрларнинг кириш жойлари, йўл ости йўллари очилди. Маълумки, Шоҳи Зиндадаги мақбараларнинг деярли ҳаммаси худди Амир Темур мақбараси каби устки ва остки қисмлардан иборат. Мақбаралар-нинг устки қисмларида зиёратчилар учун рамзий қабрлар ўрнатилган бўлиб, майитлар остки даҳмаларга кўмилган. Аввал-лари ана шу даҳмаларга кириш йўллари топилмаганди. Қайта тиклаш ишларидан сўнг йўлаклар очилди.

Илмий изланишлар туфайли мақбара ва масжидларни қурган усталар, уларни қурдирган шахслар аниқланиб, тарихий ҳақиқат тикланди. Иншоотлар-нинг қурилиши билан боғлиқ йил саналари ҳам ўрганиб чиқилди. Шунингдек, бинолардаги ёзувлар тарихий маълумотлар асосида қайтадан битилди.

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси илмий ходими Ҳамроқул Қаюмов: "Кекса усталар XIV асрда барпо этилган Хўжа Аҳмад мақбарасини қурган устанинг номи борлиги ҳақида айтишарди. Лекин биз уни ҳеч тополмасдик. Кутилмаганда ана шу уста номи аниқланди. Унинг номи ислимий тарзда ишланган гуллардан бирининг барги ичига битилган экан. Биз уни баргнинг безаклари деб юраверган эканмиз. Аждодларимиз ана шундай юксак санъат эгалари бўлишган. Ҳали бундай "тарих"лардан яна қанчасини аниқлашимиз керак..."

Бу ерда масжидлар, аркли айвонлар, тўртбурчак, кўп қиррали, айланма шаклидаги мақбаралар, турли хил баландликдаги миноралар, ўймакор қабр тошлари каби Ўрта Осиё меъморчилигининг барча кўринишлари мавжуд. Ҳар бир бино, масжид ва мақбаранинг қурилишидан тортиб безалишигача ўзига хос, бир-бирини такрорламайди. Маълумки, биноларни майолика билан безаш ишлари дунёда Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон ҳунармандчилик мактаблари вакиллари томонидан амалга оширилиб келинган. Бошқа ўлка ҳунармандлари эса бундай амалий санъат сирларидан воқиф бўлмаганлар.

Шу сабабли XX асрда юртимизда безакли кошин, ўйма ва бўртма майолика тайёрлаш унутила бошланган эди. Аждодларимизнинг уларни тайёрлашга доир сирларини билмаслик натижасида XX асрда таъмирланган ёдгорликларнинг умрзоқлиги сақланмади ва тайёрланган кошинлар, майолика, терракота безаклари вақт синовига дош беролмади. Шунинг учун Шоҳи Зиндани таъмирлаш жараёнида кошин, терракота, майолика тайёрлашнинг янги-янги усуллари синовдан ўтказилди. Натижа яхши бўлди. Аждодларимизга хос кошинпазлик сирлари ўрганилди ва таъмирлаш ишларида улардан фойдаланилди. Обидалар асл ҳолига келтирилди. "Буларнинг бари фаолиятимиз учун янгилик бўлди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Равшан Мансуров. — Республикамизда бугунги кунда 700 дан ошиқ ҳунарманд бор. Улар қадимий ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлашнинг ҳамма услубларини яхши биладилар. Шу сабабли бу усталарнинг ҳаммаси Шоҳи Зинда ёдгорликларини таъмирлашда қатнашдилар".

Шоҳи Зиндада бошланган ободонлаштириш ишларига ҳар ким қўлидан келганча ўз ҳиссасини қўшди. Кимдир тупроқ ташиди, кимдир ғишт теришга ёрдам берди. Яна кимдир ҳиммат кўрсатиб, бу ерда ишлаётганлар учун дастурхон тузади, усталарни сийлади. Боболарнинг дуолари ишлаётганларнинг руҳини кўтарди. Халқимизнинг тарихимизга, аждодлар меросига эҳтироми бу ерда ҳам намоён бўлди.

Йигирмадан ортиқ иморатларни ўз бағрига олган ёдгорлик мажмуада қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етди. Қусам ибн Аббос қабри ва масжиди, Туркон оқа, Туман оқа, Шоди Мулк оқа, Ширинбека оқа, Туғли Текин мақбаралари, Жоме масжиди, Амирзода, Амир Бурундуқ, Хўжа Аҳмад, Қозизода Румийга нисбат берилувчи хилхоналар ниҳоятда гўзал ва кўркам қиёфа касб этди. Чилзина атрофидаги иморатларнинг гумбазлари, равоқлари асл ҳолига келтирилди. Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулазизжон томонидан барпо эттирилган, мажмуага киришдаги арк-айвон ҳам аслидек қилиб қурилди. Кириш аркининг пештоқига сайқал берилди. Энг муҳими, Шоҳи Зинда тарихий асосда тикланди ва аждодлар мероси асл ҳолига келтирилди.

Президентимиз зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ушбу тарихий ёдгорликлар воситасида ёшларни Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириш масаласини ҳам ўртага қўйди. Ёдгорлик мажмуаси тўла таъмирланиши билан бу борадаги ишлар ҳам ўз ижобий ечимини топа бошлади.

Бу ердан зиёратчиларнинг кети узилмайди.

— Мен Самарқандга 25 йил илгари келган эдим. Аввал кўрганларим билан бугунги манзара ўртасида катта фарқ бор. Қадимдан келаётган юксак маданиятни асраб-авайлаш, халқнинг ўзига хослигини намоён этиш учун кўп ҳаракат қилинмоқда, — дейди германиялик сайёҳ Генрих Хоффман. — Эндиликда бу ерда халқнинг урф-одатлари, ўзига хос гўзал анъаналари, маросимлари ҳам тикланибди. Халқнинг тарих билан боғлиқ юксак руҳияти, улуғвор туйғулари уйғонибди. Бу ўзлигини англаган халқнинг буюк қудратини намоён этади. Менинг назаримда, Самарқанд шу ҳолатида инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини кўрсатиб турибди. Франциялик сайёҳ Мари Франсуа: — Мен Самарқандни ҳаёлимда эртакдаги шаҳардек тасаввур қилардим. Самарқанд эса эртакдаги шаҳардан ҳам гўзал ва сеҳрли экан. Мен дунёнинг кўп шаҳарларига борганман. Бироқ Шоҳи Зинда каби нодир ёдгорлик мажмуасини кўрмаганман. Бу ерда дунёда тенги топилмайдиган мозаика дейсизми, майолика дейсизми, терракота дейсизми, ҳайратомуз мовий гумбазлар дейсизми — ҳаммаси ниҳоятда юксак даражада гўзал қилиб яратилган.

Қадимий Афросиёб ҳудудидаги қайта қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари Шоҳи Зинда ёдгорлиги билангина чекланиб қолмади. Президентимиз Шоҳи Зинданинг ғарбий томонида жойлашган Ҳазрати Ҳизр масжидини таъмирлаш ишларининг ҳам ташаббускори бўлди. Маълумки, бу масканни тарихчилар Самарқанддаги, умуман, Ўрта Осиёдаги биринчи мусулмон масжиди деб маълумот берадилар. Унинг қурилиш санасини VII асрга мансуб, деб ёзадилар. Шаҳарнинг энг баланд нуқталаридан бирига жойлашган бу масжиднинг қурилишида халқимизнинг ақл-заковати, бунёдкорлиги намоён бўлган.

Масжид қадимда шаҳардан четда жойлашган. Унинг яқинида Кеш дарвозаси бўлган. Бу дарвозадан шаҳарга Бактрия, Ҳиндистон, Эрон, Хитойдан келган карвонлар кирган. Шу сабабли масжид мусулмон оламида машҳур бўлган. Масжид ниҳоятда обод жойда қурилган. Чунки унинг ёнидан қадимда Арзиз ариғи ўтган. Бу ариқ шаҳарни сув билан таъминлаган. Масжид яқинидаги Арзиз қудуғи эса бугунги кунда ҳам сақланиб қолган.

Масжид барпо этилганидан бери ўтган ўн тўрт асрлик вақт мобайнида неча бор бузилиб, неча бор қурилган. Унда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Шаҳрисабз, Фарғона меъморчилик мактабларига хос кўринишлар сақланиб қолган. Масжид XIII асрда мўғуллар томонидан ёндириб юборилади. Темурийлар даврига келиб, у яна асл ҳолида тикланади. Аммо урушлар, табиий офатлар натижасида бу ерда темурийлардан кейин ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Супасимон табиий асосга қурилган, ҳар қандай одамнинг эътиборини торгадиган бу ёдгорликнинг XX асрдаги тақдири оғир кечди. Эътибордан четда қолди, қайта қуриш, таъмирлаш ишлари бажарилмади. Бажарилганда ҳам тарихий-илмий асослардан йироқ тарзда амалга оширилди. Масжид биноси маълум фурсат ёпилиб, омборхона вазифасини ҳам ўтади. Унинг деворларидаги нақшу нигорлар, безакларга зиён етказилди. Айвонидаги устунлардан бири Самарқанд ҳунармандчилигига хос бўлмаган шакл-шамойиллар билан безатилди. Натижада бу ерга зиёратга келувчиларда масжид ҳақида нотўғри қарашлар, халқ амалий санъатимиз, ҳунармандчилик тўғрисида нотўғри тассуротлар пайдо бўла бошлади. Масжид атрофини ўраб олган савдо дўконча-лари, вақтинча тикланган иморатлар ҳам бу ёдгорликнинг олдини тўсиб қўйган эди. Президент Самарқандга ташриф буюрганида, масжидни кўздан кечириш аносида унинг атрофини очиш, орқа ва олд томонларини кенгайтириш, олд томонидан ўтган катта йўлни ёдгорликдан узоқлаштириш вазифасини қўйди. Шу асосда масжидни тарихий асосда қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари бошланди.

— Ёдгорликни таъмирлаш жараёнида Юртбошимиз масжид айвонидаги устунлардан бирига эътиборимизни қаратди, — дейди Равшан Мансуров. — Айвоннинг ҳамма томонларидан келадиган ёғочларни бирлаштириб турган бу марказий устун ғалати шакллар билан безатилган, кўриниши ҳам бошқа устунлардан бўлакча эди. Усталаримиз устунни жиддий равишда текширдилар. Шунда унинг бир "сири" очилди. Устуннинг пастки 1-1,5 метрлик асоси чириган, шу жойлар билинмаслиги учун унинг усти бўялиб, ҳар хил шакллар чизилган экан. Натижада масжид учун ҳам, одамлар ҳаёти учун ҳам хавфли бўлган бу устун ўрнига юртимиз қайрағочларидан Самарқанд ҳунармандчилигига хос ясалган устун қўйилди.

Ҳазрати Ҳизр масжиди бугунги кунда қайтадан тикланиб, шаҳарнинг обод масканига айланди.

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси ва Ҳазрати Ҳизр масжидининг қайта тикланиши ва таъмирланиши жараёнида яна бир тарихий ҳақиқат тикланди. Самарқанднинг, Афросиёбнинг ёши илгари шўролар даврида белгиланганидек 2500 йил эмас, балки ундан ҳам қадимийроқ тарихга эга эканлиги маълум бўлди. Буни Афросиёбда илмий изланишлар ва қазишма олиб бораётган турли мамлакатлар археологлари ҳам тан олишди.

Бугун Самарқандга борсангиз шаҳарнинг обод ва кўркам замонавий қиёфасида тикланиб, таъмирланиб гўзаллик ва муҳташамлик касб этган Амир Темур Жоме масжиди, Регистон ансамбли, Гўри Мир, Бибихоним мақбаралари, Чорсу галереяси, Хожа Аҳрори Вали қадамжоси, Нодир девонбеги мадрасаси ва бошқалар кўзга ташланади. Улар сафидан эндиликда асл қиёфасига кирган, кўп минг йиллик тарихи тикланган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси ҳамда Ҳазрати Ҳизр масжиди ҳам ўрин олди. Бу ноёб ёдгорликлар пиллапояларидан юқорига кўтарилар экансиз тарих ва бугун, бугун ва келажак ўртасидаги бунёдкорлик ришталарини кўргандай бўласиз. Бу гўзалликларнинг яратувчиси бунёдкор халқимиздир. Самарқанд ЮНЕСКО томонидан археологик музейшаҳар сифатида жаҳон моддий ва маънавий ёдгорликлари рўйхатига киритилганини назарда тутсак, бу бойликлар бутун башариятнинг мулки ҳисобланади. Шу сабабли ЮНЕСКО вакиллари Шоҳи Зинда, Ҳазрати Ҳизр ёдгорликларида олиб борилган қайта тиклаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Халқимиз қўли билан яратилган башариятнинг бундай тенгсиз бойлиги бизнинг фахр ва ифтихоримиз, аждодларимиз даҳосининг бетимсол мўъжизаларидир.

Камол МАТЁҚУБОВ,
Жамшид МАТЁҚУБОВ

Биз кимміз?



МУСАВВИР ОЛАМИ

Рассом устахонасида

Тасвирий санъат тарихида кўплаб рассом-педагоглар фаолият кўрсатган бўлсалар-да, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бадиий ижод ва педагогликни бирдек юқори савияда олиб боришга муваффақ бўлганлар, дейиш қийин. Масалан, Россия Бадиий академиясининг таниқли педагоги П.Чистяков рус тасвирий санъатининг бутун бир ажойиб авлодини тарбиялаб етиштирганига қарамай, рассом сифатида у қадар машҳур бўлмаган. Унинг шогирди, улуғ рассомлардан бири И.Репин академиядаги машғулотлар вақтида кўпроқ шогирдларида мустақил қўникмаларни шакллантиришга ёрдам бериш ўрнига, асосий эътиборни ўз иш услубига, қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб беришга қаратган.

Хуллас рассомлик ва педагоглик истеъдоди бир-бирини тўлдириб, уйғунлашиб кетадиган ҳолатларни ҳаётда кам учратамиз. Ўзбекистон халқ рассоми, академик Раҳим Аҳмедовда эса бу икки хусусият бир бутунликда яққол намоён бўлган.

Натурадан ишлар экан, реалист ижодкор сифатида Р.Аҳмедов образ моҳияти ва мазмунини очишга ҳаракат қилади, идеал образ билан мавжуд борлиқ ўртасидаги қарама-қаршиликларни енгиш йўлини ахтаради. Агар у портрет устида ишлаётган бўлса, янада ифодавий композиция, қиёфа, кўриниш, колорит топишга интилади. Ниҳоятда кўп тассуротлар орасидан асосий моҳиятни ифодалайдиган, бош мавзуни очишга хизмат қиладиган энг зарурини танлаб олади. Танлагандан сўнг унинг ўзига хослигини белгиловчи хусусиятларини ҳис этишга интилади. Рассом дастлаб П.Бенковнинг пленэр-рангтасвир анъаналарини эгаллади, Сурхондарё сафаридан сўнг яссидекоратив услубдан фойдаланиб чиза бошлади. Шу тариқа унинг санъатида икки рангтасвир йўналиши, икки тенденция кузатилади. Улар ўзаро бирлашиб, баркамол санъат асарлари яратилишига хизмат қилмоқда.



Раҳим АҲМЕДОВ. портрет.

Татьяна НЕМЦОВИЧ чизган сурат.

Р.Аҳмедов ўқувчиларини ишга чуқур ёндашишга мажбур қилади, ифода воситаларида лўнда усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради. Сюжетли асарларида, портрет ва манзара рангтасвирида, натюрмортларда рассом гўё оламнинг ички кўламини илғаб олишга ҳаракат қилади.

Реализм тарафдори бўлгани ҳолда, Р.Аҳмедов тайёр рангтасвир ифодаларини такрорламайди, ҳар сафар ўз-ўзига содиқ қолади. Уни ҳамиша узоқ тарихга эга халқнинг турмуш тарзи, ўзбек характерининг ўзига хос хусусиятлари қизиқтириб келади. Ўз шахсий руҳий олами орқали миллий характернинг умумий концепциясини очиб беради. Рассом ишни ортиқча тафсилотлардан ҳоли тарзда, энг асосий, характерли нарсани ифодалашга ҳаракат қилган ҳолда бажаради. Айни вақтда асарнинг яхлитлигини ҳам унутмайди.

Р.Аҳмедов талабаларга рангтасвир асосларини, бўшлиқда шакл қуришни, ранглар уйғунлиги қонунларини ва бошқа жиҳатларни атайин ўргатмайди. Буларнинг барчаси гўё тасвирий санъат қоидаларининг алифбосидек параллел олиб борилади. Бироқ композицияни пухта қуриш, умумий услуб ягоналигини сақлаш, образ ифодавийлиги учун ишлатиладиган рассом бисотидаги барча воситаларни бўйсундиришни уддалаш кераклигига урғу беради. Устоз ўқувчиларига алоҳида индивидуал вазифалар топширади ва уларнинг бажарилишини қатъий назорат қилади, имкониятларига қараб ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндошади. Уларнинг истаган йўналишда ишлашларига рухсат беради, лекин уста рассомлар ишидан кўчиришга йўл қўймайди. Унинг энг севимли ибораси: "Қиғир-қийшиқ бўлса ҳам, тушунарсиз бўлса ҳам, фақат ўз йўлинг бўйича ишла!"

Санъаткорнинг картиналари, этюдлари, суратлари ва қораламалари катта бадиий қиммат касб этиб, педагогик жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар рассом бадиий "ошхонаси"ни ёрқин намоён этади, бўлажак профессионал ижодкорлар учун бебаҳо ўқув манбаи ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. У шогирдларига кўпроқ табиат қўйнида, одамлар орасида бўлишни маслаҳат беради. "Мен фақат ўқитибгина қолмайман, балки талабаларимдан ўрганаман ҳам", — дейди Р.Аҳмедов.

Тақдир Раҳим Аҳмедовга ҳамиша марҳаматли бўлган. Атрофида ҳамиша яқин одамлари, ижоди ва руҳиятига яқин кишилар, дўстлари. Қадрдонларининг қиёфаларини абадий муҳрлаш мақсадида уларнинг портретларини чизади. Ҳамкасблари, мухлислари ҳам унинг портретларини ишлайдилар. Жумладан, Р.Аҳмедов ижодининг мухлисларидан бири Татяна Немцович (Fat Nem) ҳам устоз портретини ишлади. Кўз ўнгингизда катта тажрибага эга рассом-педагог ҳаёт ҳақида мушоҳадага берилиб турибди. Портрет қизиқарли композицияси, тасвир пластикаси билан диққатни тортади.

Айни кунларда 85 ёшини нишонлаётган устоз санъаткор Раҳим Аҳмедов ўтган давр мобайнида ўнлаб юксак маҳоратли рангтасвирчиларни тарбиялади. Ҳамон ижод ва педагоглик билан шуғулланишда давом этаётган устозга узоқ умр, ижодий ютуқлар тилаймиз.

Сергей НЕМЦОВИЧ,
санъатшунос

КУЛГИ ЗИЁФАТИ

Китобинизни ўқидим

Эски танишим бор, лақаби "бутунютар" (майли, отини айтмайин). Маҳалладош улфатлари унга "фахрий унвон" ҳам беришган — Дастурхон тозалаш фанлари дортори. Бир тўйда шу аждарзода билан бетма-бет ўтириб қолдик. Шериги жабр кўрмаслиги учун ўзига яккалатиб қўйилган ошни зумда элеваторлаштириб, тагидаги ёғни иккита кулча билан тозалаб, олдида дусамбаланиб ётган писта, бодом, ерёнғоқ, қовун-тарвуз пўчоқлари, конфет қоғозлари, ўригу шафтоли данакларини бўшаган товоққа солиб, карнайланиб кекиргач, менга қошини лайлаклантириб деди:

— Ошначилик ҳурмати, бизга бир яхшилик қилсинлар энди. Эшитишимизга қараганда, "Абдулла қизиқ нима дейди?" деган китоб чиққанмиш. Шундан бизга битта топиб берсалар, санъат аҳлининг дастурхон устидаги таъби қанақалигиниям билволардикда. Мабодо биздан ортиқроқ томони бўлса, андак усул ўрганармидик...

Гарчи "бўпти" дея бош қимирлатиб қўйган эсам-да, ўшанда ҳеч нимага тушунмагандим, орадан икки ҳафтача ўтиб, ҳажвчи Саид Анвар: "Мана, юртдошингизни сал-сал кўз-кўзлаб қўйдик", деб қўлимга китоб тутқазгандан кейингина гапнинг тагига етдим. Олдин қизиқчиларнинг қизиқчиси бўлмиш Муҳиддин Дарвешовнинг ҳангомаларини тўплаб, ҳаёти ҳақида қисса ёзиб савобнинг тагида қолган Саиджон, энди Абдулла Акбаровнинг оғзаки ижодини ҳам бир муқова орасига жойлаган экан. Муқовада эса каттакон сарлавҳа — "Абдулла қизиқ нима дейди?"

Олтиариқ жуда-жуда ғалати маскан-да. Бу жойни "Водийнинг норасмий пойтахти" десам, баъзилар "жа-а оширвордингиз" дегандек истеҳзоли чимирилиб қўйишади. Анча-мунча оширсам оширгандирман, лекин бу туманнинг таниқли зотларини бир бошдан санайдиган бўлсак, истаган жойингизни гуллатишга бемалол етади: халқ ҳофизлари борми, бор! Халқ шоирлари, халқ ўқитувчилари, халқ артистлари борми, бор! Ўзбекистон қаҳрамонлари, фидокорлари, фан номзодлари борми, бор! Хизмат кўрсатган пахтакорлар, механизаторлар, маданият ходимлари ва ҳоказолар борми, бор! Жаҳон билан тиллашиб, замонавий корхоналар барпо этаётган учқур фикрли ишбилармонлар борми, бор! Ҳатто Ўзбекистон олимпия термасида Нодир Қўзибоев деган ўз футболчимиз бор! Шундай машҳур ердан битта қизиқчи чиқмаса, Олтиариқнинг бир томони кемтикка ўхшаб қолмасмиди!

Илгари кемтиклик бор эди, уни Абдуллажон тўлдирди. Бунга қадар у баҳорда бодрингчи, ёзда узумчи, кузда турупчи, қишда оддий ўқитувчи эди. Энди десангиз, тўрт фаслнинг қизиқчиси, йилига ўн бир ой тўйларда тўйиниб, рамазон ойидагина уйда овқат ейишни бошлайди. (Усул ўрганишда бутунютар ошнам масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор қаратса, ёмон бўлмасди).

Тўпламни ўқиб чиқдим. Ниҳоятда тортимли китоб бўлибди. Муҳиддин қизикдан сўнг кулгига ижодий ёндашишда, топқирликда, ялтанувчанликда, тингловчилар қалбига йўл қуришда ўта ўзига хос қиёфа касб этган Абдуллажоннинг ўпкайиртар ҳамгомалари, у ҳақда бошқалар тўқиган латифалар, Анвар-даврачи билан шерикликда ижро қилинган тагдор аскиялар, мўттиёна шеърлар, антиқа қатралар, журналистлар билан суҳбатлар алоҳида-алоҳида бобларга ажратилиб, суратларла безатилган тарзда китобнинг файзига файз қўшибди.

"Шарқ" нашриёти жамоаси саккиз босма табоқ ҳажмдаги қаҳқаҳани нақ беш минг нусхада тақдим этганини қувноқфеъл китобхонларга берилган катта зиёфатга таққослаш мумкин. Ҳозирча бутунютар ошнамнинг фикрини билмадим-у, аммо бу китоб кулгисеварлар учун беҳад тўйимли озиқа манбаи бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, хуш кайфият таъминининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Анвар ОБИДЖОН

ҲИД БИЛМАГАН ИТ

Кечагина уйига соппа-соғ кетган улфати эртасига битта оёғини боғлаб келибди. Ўртоғи ҳайрон бўлиб ундан сўрабди:

— Оёғингга нима қилди?

— Ит тишлаб олди.

— Ие! Лаънати итнинг эгасини адабини бердингми?

— Бунинг иложи йўқ. Чунки ит ўзимга қарашли.

— Ие, итинг ўзингни тишладими? Наҳотки танимаса?

— Э, ҳидимдан билади, хумпар, — жавоб қилибди ошнаси оёғини силаб. — Кеча уйга ичмай боргандим, бегонасираб тиззадан олди.

КИМ ИЧГАН?

ДАН ходими ҳайдовчини тўхтатиб:

— Ичганмисиз? — деб сўрабди.

— Умримда оғзимга олмаганман.

— Топиб олган гапларинг шу! — дебди назоратчи афтини буриштириб. — Текшириб кўрамиз. Қани, манови аппаратга пуф денг-чи!

Ҳайдовчи унинг буйруғини бажарибди. Аммо аппаратда ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди.

— Наҳотки бузилган бўлса, — деб назоратчи аппаратга ўзи пуфлаб кўриб "Бинойидек ишлаяпти-ку" дермиш.

АРОСАТ БОЛА

Кўчада йиғлаётган боладан ўткинчи сўраяпти:

— Нега йиғлаяпсан, болакай?

— Онам отамни "эшаксан", дейди. Отам онамни эса "молсан", дейди, — жавоб қилибди бола.

— Хўш, нима бўлибди? — дебди ўткинчи ҳайрон бўлиб.

— Унда мен ким бўламан? — дермиш бола баттар йиғлаб.

ҚЎЙНИДАН ТЎКИЛСА...

Катта компания директори ўз ўринбосарига гап уқтирмоқда:

— Сизни табриклашим мумкин. Бундан олти ой илгари оддий ходим сифатида иш бошлагандингиз. Бир ой ўтгач, бўлим бошлиғи бўлдингиз.

— Тўғри.

— Икки ой ўтиб, цех бошлиғи этиб тайинландингиз.

— Бунисиям тўғри.

— Ҳозир эса, кўз тегмасин, бош директор ўринбосари лавозимида ишлаяпсиз. Бунинг учун нима дейиш керак?

— Раҳмат, дада!

ҚИЗИҚИШ

Ходим:

— Маошимни оширмасангиз бўлмайди. Мен билан учта ташкилот қизиқяпти, — дебди бошлиғига.

— Наҳотки! — ажабланибди бошлиқ кўзларини пирпиратиб. — Улар қандай ташкилотлар экан?

— Телефон алоқаси, электр тармоқлари ва солиқ идораси.

Қизиқчи репертуаридан

АДАШГАНЛАР

Тўрт яшар бола ошхонага кириб, ойисига хабар берибди:

— Ойи, эшигимиз олдида иккита одам ашула айтяпти.

— Дарров чиқиб уларга юз сўмдан пул бер, кетишади, — дебди онаси ишидан бош кўтармай.

— Кетмайди! — дебди бола.

— Нега энди? — ҳайрон бўлибди онаси.

— Чунки улардан биттаси дадам-да! — дермиш бола.

ЭНГ ЗЎР ГАП

Уйига ҳар куни ичиб келадиган эр хотинининг аччиқ-тирсиқ гапларидан безор бўлиб, ялинишга ўтибди:

— Хотинжон, сенам дунёга келиб, бир марта яхши гаплардан гапир!

— Ичинг! — дермиш хотини кулимсираб.

МАЙЛИ-Ю...

— Хотиним кеч бўлди дегунча пивохоналарни айланишни бошлайди, — дебди эр хотинидан нолиб.

— Оиланинг бошлиғисан. Икки оғиз танбеҳ бериб, буни таъқиқлаб қўйсанг бўлади-ю! — деб шериги унга маслаҳат берибди.

— Бўлади-ю, — дермиш улфати чаккасини қашлаб, — аммо унда мени пивохонадан уйга ким олиб кетади.

Ж.МИРЗО чизган сурат.

Дунё—кенг...

ЯШИН ОДАМ ОВЛАЙДИМИ?

Табиат кучлари азал-азалдан одамларнинг юрагига ғулғула солиб келади. Минг йилдан бери яшинлар вайроналикларга, ёнғинларга, кези келганда ҳалокатларга сабаб бўлаётир. Ер юзида яшин уриши оқибатида ҳар йили минглаб одамлар ҳалок бўлишади, жиддий жароҳатлар олишади.

Бир пайтлар яшин қайтаргичлар кашф этилганда бу табиий офатдан қутулишнинг иложи топилгандек туюлганди. Бироқ бу яшиндан тўла-тўкис ҳимоя эмаслиги тез-орада аён бўлди. Яшин қайтаргич атмосферада ҳосил бўладиган электр кучланишларидан қисман ҳимоя қиларкан.

Яшиннинг "сирли кирдикорлари" ҳақида гап кўп. Яшин нега ички кийимни куйдириб юборади-ю, айни пайтда ташқи кийимлар бус-бутун қолади? Қандай қилиб яшин сартарошлик қилади — лаҳзада одамнинг бошидаги сочни қириб ташлайди?. Бу каби ғаройиботларга қодир яшин фан оламидаги энг мураккаб жумбоқлардан бири.

Сайёрамизда яшиннинг доимий "макони"га айланган ҳудудлар яшинни ўзига "чақириб" олади. Сабаби — мазкур ҳудудларнинг об-ҳавоси, жуғрофий, геологик хусусиятларидир. Масалан, Угандадаги Тероро деган жойда бир йил мобайнида 250 мартадан ортиқ яшин чақнаркан.

Яшин билан боғлиқ сирли ҳодисалар орасида, айниқса, яшиннинг... одам овлаши жуда ғалати ҳолат. Масалан, америкалик Рой Салливан деган киши яшинларга етти марта дуч келган. Боз устига, бундай кўнгилсиз учрашувлар турли жойларда рўй берган. 1942 йили яшин Р.Салливаннинг оёғидаги бир бармоқни куйдирган бўлса, 1969 йили уни қошларидан мосуво этган ва кейинги йили елкасини куйдирган. 1972 йил апрелдаги учрашувда яшин Ройнинг бошида бир тук қолдирмай куйдириб юборган, кейинги йилнинг августида оёқларини куйдирган. 1976 йил июни ва 1977 йилги тўқнашувлар ҳам хатарли кечган — яшин таъқибидан жабр неккан Р.Салливаннинг кафти, кўкраги ва қорни куйиб қолган. Яшин овидан бу инсон нафақат жисмоний, балки руҳий азобларга ҳам дучор бўлди. 1983 йили, яшин билан еттинчи бор учрашувидан олти йил ўтиб, Р.Салливан ўз жонига қасд қилди.

Болгариялик Марта Матикани ҳам яшин умр бўйи таъқиб қилишдан тўхтамайди. Қизиғи шундаки, яшин Мартанинг ўзига эмас, балки бахтига чанг солади. Марта биринчи бор америкалик Рандолф Истманга турмушга чиққач, орадан икки ой ўтиб эрини яшин уриб ўлдиради. Шундан сўнг бева Марта Карл Марто исмли йигит билан турмуш қуради. Келин-куёв Испанияда асал ойини ўтказишаётган паллада яшин уриб Карл қазо қилади.

Шундан сўнг Марта тушкунликка тушади, руҳий аҳволи оғирлашади. Уни бир немис руҳшуноси даволайди ва Марта ана шу руҳшуносни севиб қолиб, унга турмушга чиқади. Бироқ афсуски, бу гал ҳам яшин омадсиз аёлни бахтидан жудо қилади. Ўша куни кучли момақалдироқ бўлишига қарамай кўчага чиққан руҳшуносни яшин уради...

Уч бор эрга тегиб, уччаласини ҳам яшинга "топширган" Марта ҳозир бева. Энди унга уйланишга журъат эта оладиган жўмард топилармикан?

Япониялик олимлар яшин билан боғлиқ бир мудҳиш воқеанинг тагига ҳануз етолганлари йўқ. Гап шундаки, йигирма йилча муқаддам бир синф ўқувчилари орол бўйлаб саёҳатга чиқишади. Саёҳат давомида синф раҳбари — ўқитувчи ўқувчиларга бир қаторга тизилиб, узун арқондан ушлаб юришларини тайинлайди. Яшин, атай қилгандай, ҳар иккинчи ўқувчини уриб ҳалок қилади. Орадаги болаларнинг эса бирор жойи тирналмайди ҳам.

Фан ҳозирча бу ғаройиб, баъзан фожиа билан якун топадиган ҳодисани тушунтиришга ожиз. Бир назарий қарашга кўра, бизнинг сайёрамиз улкан тирик организмдан иборат бўлиб, яшинлар фойдали ва жуда зарур вазифани бажараркан. Тирик организм кучли асаб системасига ички аъзолар ва каналларга, улар орасида алоқаларга кучли эҳтиёж сезади. Бу алоқаларни жуда тез ва самарали тарзда таъминлайдиган куч яшиндир. Бошқа бир гуруҳ олимларининг тахминича, яшинлар атмосферада кислород таъминотини сақлаб тураркан. Кислород ўта юқори бўлган жойларда яшин ўрмонларга "ўт қўяди". Кислород кам жойларда эса яшиннинг "иши"га ҳожат қолмайди. Шу тариқа, табиат миллионлаб йиллар мобайнида ўз атмосферасини мувозанатда сақлаб келади, дейишади мутахассислар.

Чойхўрлар, сизлар учун!

"БЕШ" ЧОЙИГА БЕШ КЕТДИМ

Баъзан "Яшавор, тадбиркор!" деворгинг келади-да. Нималарни ўйлаб топишмайди-я, азаматлар. Шўро замонида ҳаммаларининг қўллари боғлаб ташланган экан, мана энди енг ҳимариб ишга тушиб кетишди. Дўконларга, савдо расталарига қарасанг, кўзинг ўйнайди. Турли-туман янгиликлар.

Яқинда "Олой" бозорида кўпчилик навбатга туриб бир нима харид қилишаётган экан, қарасам, "Беш" деган чой сотишяпти. Нархи қиммат эмас — беш юз сўм. Шунча бошқа чойлар турганда, одамлар намунча "Беш"га интилиб қолишди, бир гапи бор-ов, дедим-да мен ҳам бир қути сотиб олдим. Қутининг ичида бешта қопчиқ бор экан. Ҳар қопчиқнинг ичида бир қайнатимдан чой. Қоғозини ўқисам, дона-дона қилиб ёзиб қўйибди: "Чойнакка қайноқ сув соласиз ва ичига қопчиқни аста туширасиз, ўттиз дақиқадан кейин аста тортиб олинг. Ташлаб юборманг, ҳар биттасидан камида беш мартадан фойдаланиш мумкин..."

Ана холос, дедим-да, дарҳол ишга киришдим. Э, қўлинг дард кўрмагурлар, тўғри айтишган экан, беш марта эмас, етти марта дамласам ҳам қаймоқдай ширин чой бўлди.

Шундан бери «Олой» бозорига кирдим дегунча беш-олти қути "Беш" чойидан оламан.

"Беш" чойига беш кетдим.

Чойхўр бола

Ўзим ўқийман

ИСКАБТОПАР

Искабтопар
Искаб топар.

Искаб топиб,
Итдай қопар.

Жиз чақади,
Виз чақади.

Сўнгра учраб
Шапалоққа,

Айланади
Япалоққа.

АЙИҚНИНГ АЙТГАНИ

Қаранг, бир кун
Касал бўлдим,
Талабгори
Асал бўлдим.

Асал олсам,
Ари чақиб
Бурун шишди,
Ўсал бўлдим.

Ёзувчилар
Билиб қолиб,
Қанча эртак,
Масал бўлдим.

ҲАНДАЛАК

Ҳандалагим-ҳандалак,
Гуркираб ёзди палак.

Ҳар палакнинг остида
Бештадан пишди хомак.

Ҳар биттаси калладай,
Шакли гумбаз салладай.

Сарғайди-ю, берди банд,
Ширинликда худди қанд.

Бизлар биттасин сўйдик,
Тўртовлон роса тўйдик.

ҚЎРИҚЧИ

Томорқада қўриқчи,
Қўрир эмиш,
Ўзини паҳлавонга
йўрир эмиш.

У шунақа билағон
Қўриқчимиш,
Чунки унга Ҳаккавой
йўриқчимиш.

Йўлдош СУЛТОНОВ

Кулаётган дунё

МАЙДА ТАШВИШЛАР

— Мен ичиш ва чекишнинг зарари ҳақида жуда кўп ўқидим. Энди ташламоқчиман.

— Нимани, ичишними, чекишними?

— Ўқишни.

* * *

Вовочка тунда бобосининг олдига келди ва деди:

— Бобо, ухлаяпсизми?

— Нима эди, болагинам?

— 20 доллар бериб туринг.

— Ухлаяпман, қўзичоғим, ухлаяпман, — деди бобо.

* * *

Тўп шайбага ҳасрат қилди:

— Менинг ҳаётим оғир — дамлаб шиширишади, бунинг устига тепганлари тепган.

— Сен тез-тез дарвозага кириб тур, ана шунда сени қўлда кўтариб юришади, — деди шайба.

* * *

— Бу ерда неча киши ишлайди?

— Бўлим бошлиғи билан ўн киши?

— Бўлим бошлиғисиз-чи?

— Бошлиқсиз ҳеч ким ишламайди.

* * *

Руҳшунос шифокор маърузаси:

— Ҳамкасблар, руҳий таъсир билан даволашнинг икки олтин қоидасини эслаб қолинг! Биринчи қоида: майда ташвишлар — арзимаган нарса. Иккинчи қоида: ҳамма ташвишлар — майда.

* * *

Тунда:

— Ойи? Чанқадим.

— Ўзинг туриб ичиб келақол, болам.

— Олиб келиб бера қолинг.

— Минғирлайверсанг камар билан соламан.

— Камарни олгани турганингизда, бир йўла сув ҳам олиб келинг, ойижон.

* * *

Ветеринарга қўнғироқ:

— Доктор, ҳозир олдингизга қайнонам итини етаклаб боради. Шундай қилинг-ки, у қийналмасдан жон берсин.

— Итингиз-чи, йўлни топиб уйга ўзи қайта оладими?

* * *

Автобусда кетаётган эркак асабийлашди:

— Қанақа ёшлар булар-а?! Сурбетлар! Ўтири-иб кетишяпти, жой бўшатишни ҳам билишмайди.

— Нега аччиқланаяпсиз? Ўтириб кетяпсиз-ку!

— Хотиним тикка турибди-да!

* * *

Режиссёр сценарий муаллифига деди:

— Қўлёзма менга ёқди, фақат ҳар қандай овсарга ҳам тушунарли бўлиши учун айрим ўринларни бироз соддалаштириш керак.

— Келишдик. Айнан қайси жойлари сизга тушунарсиз бўлди?

* * *

Ёш актёрни хавфли кўринишни тасвирга туширишда қатнашишга таклиф этишди. У ташвишланиб деди:

— Анови арқон узилиб кетмайдими?

— Яшанг! — хитоб қилди режиссёр. — Жуда зўр ғоя!

Русчадан Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси





Ёз фаслининг жазирамасида таътилни мазмунли ўтказишни истаган болажонларнинг аксарияти турли оромгоҳларга ошиқадилар. Ана шундай масканлардан бири — Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли "Тонг" соғломлаштириш оромгоҳи бугун болажонларнинг шўх-шодон кулгуси, хурсандчилиги билан тўлиб-тошган. 668 ўринга мўлжалланган мазкур муассасада ўғил-қизлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Оромгоҳда мавжуд турфа хил тўгараклар ва мунтазам ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақалари болаларнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлишларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

СУРАТЛАРДА: "Тонг" оромгоҳида.

Ҳ.АВВАЛОВ олган суратлар.

АҚЛ АҚЛДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Китобхон ён дафтаридан

Инглиз тилида бадиий адабиётни "фикшн", яъни "тўқиб чиқарилган" дейишаркан. "Тўқиб чиқарилган" бўлса, демак, фантазия деб аташ ҳам мумкин экан-да, деган хаёлга бордим. Кейинчалик бу фикр нотўғрилигига амин бўлдим.

"Ўткан кунлар" романининг охирги саҳифаларида Зайнаб томонидан заҳарланиб, ўлим талвасасида ётган Кумуш ва унинг бошида зор-зор йиғлаб ўтирган Отабек, Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойимларнинг ҳолатлари акс эттирилган лавҳани неча марта ўқиган бўлсам, ҳар гал уларга қўшилиб йиғлаганларимни эслашим, мумкин.

Абдулла Қодирий бу лавҳани "тўқиб чиқарган" бўлиши мумкин. Лекин биз унга ишондик-ку!

* * *

Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида: "Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл", деган жумлани ўқиб қолдим. Улуғ бобомизнинг бу ҳикмати замирида теран маъно яширинган ётгани аниқ. Шулардан бири: "Ҳеч бўлмаганда қабрингга ватан ичидаги мозорда қолади, ўтган-кетганлар ҳамма қатори сенинг ҳаққингга ҳам дуо қиладилар", дегани эмасмикан?!

* * *

Қадимги юнон файласуфи Пяутарх: "Энг чуқур бедовлар, агар яхшилаб тарбия берилса, яхшилаб совитилса, энг ҳуркак тойлардан чиқади", деган экан. Биз мураббийлар — ўқитувчилар, профессор ва фан докторлари, академиклар — ёшлар илмга келмай қўйишди, деб нолийвериш ўрнига, ёшларга кўнгилдан чиқариб сабоқ берсак, ўз соҳалари бўйича талаб этиладиган билимларни етказа олсак, магистрларни илмий мактабларимизга тўлалигича жалб этолсак ва ниҳоят, аспирантларга ҳақиқий илмий раҳбарлик қила олсак, демакки, уларни яхши тарбиялаб, меъёрида "совита олсаккина" ўзимиздан-да кучли ва салоҳиятли ёш олимларга эга бўламиз. Зеро, бугунги магистрлар ва бакалаврлар ўша учқур бедовлар ўрнини босадиган тойлар-ку, ахир!

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Адҳамбек Алимбековга онаси

Ҳабиба АҲМАД қизи

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳрир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 056-рақам билан рўйхатга олинган. А — 2870. Буюртма Г — 950. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН